БУГУН ТОШКЕНТДА ОБЛАСТЬ ЛУБКОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ОЧИЛАДИ

„КЎК ОЛТИН“ДАН УЛКАН ХИРМОН КЎТАРИНГ!

Бригадир Абдумутал Абдуқодировнинг қувончи ичига сиғмайди. Негаки Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг у бошчилик қилаётган 7-бригадаси далаларида мўл каноп ҳосили етиштирилмоқда. Лубкорлар 132 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 150 центнердан «кўк олтин» ҳосили йиғиштириб олишни мўлжалламоқдалар. Суратда: бригадир ўртоқ А. Абдуқодиров.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 158 (2191). | 11 август, шанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Суратларда: (юқоридан пастга) Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг раиси Пак Ден Хиб, 2-бригаданинг моҳир сувчиси Толиб Назаров, бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ан Вон Сун ўртоқлар.

А. Абаян фотолари.

БИРЛАШГАН ЎЗАР

Бирлашган ўзар деб шуни айтадилар-да. Бундан уч-тўрт йил илгари бизнинг колхоз райондаги энг қолоқ хўжаликлардан ҳисобланарди. Каноп ва бошқа экиндардан жуда кам ҳосил олинарди. Колхозимиз аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, ишга астойдил киришдилар. Биз хўжаликни олга бостириш учун қатор тадбирларни амалга оширдик. Бригадалар ишнинг кўзини биладиган малакали кадрлар билан мустаҳкамланди. Каноп ўстириш агротехникасига қатъий риоя қилабошладик. Ер кузда ҳайдалиб, баҳорда яхшилаб бороналангач сўнгра экишга киришадиган бўлдик. Парвариш ишларининг ҳам савияси кескин яхшиланди. Натижада ҳосилдорлик ортаборди. Ҳар йили планни бажарабошладик.

Бу йил колхозимиз бўйича 1452 гектар ерда каноп ўстирилди. КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларидан руҳланган ва пахтакор республикалар вакилларининг ўртоқ Н. С. Хрушчев иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган зонал кенгаши кўрсатмаларига амал қилган колхозчиларимиз бу йил ҳар гектар ердан олинадиган каноп ҳосилини 148 центнерданга етказиш, давлатга жами 21530 тонна каноп пояси сотишга аҳд қилганлар. Ана шунда биз ўтган йилдагига қараганда анча кўп ҳосил олган бўламиз.

Фидоқор колхозчиларимиз ўз сўзларининг устидан чиқиш учун обҳаво қийинчиликларини матонатлик билан енгиб, ишлаб чиқаришга илғорлар тажрибасини жорий қилабориб, барча майдонларда мажбуриятимизни қоплайдиган ҳосил етиштирдилар. Шу кунга қадар каноп уч марта чопиқ қилинди, беш марта культивациядан чиқарилди, икки марта озиқлантирилди, беш марта суғорилди. Бу ишларни бажаришда сифатга алоҳида аҳамият бердик. Натижа ёмон бўлгани йўқ. Ҳозир ҳар гектар ерда ўтган йилдагидан анча кўп, яъни 1 миллион 400 минг тупдан кўчат бор.

Энди лубкорларимиз ҳаётида янада масъулиятли кунлар бошланади. Биз эрта-индин каноп ўримини оммавий равишда қизитиб юборамиз. Бунинг учун 43 та НП—9 маркали каноп пўстлоғини шилиб толаларга ажратиб берадиган машина ремонтдан чиқариб тахт қилинди. Бу машиналарда ишлаш учун энг яхши тракторчиларни танладик. Иш икки сменада ташкил этилади. Колхозчиларимиз каноп поя-ларини ўриб, уни даланинг ўзида қайта ишлаб, заводга юқори сифатли луб етказиб бериш учун ҳамма чораларни кўрадилар.

Мўл ҳосил етиштириш учун бошланган мусобақада колхозимизнинг Ан Вон Сун, Тхай Нам Гир, Хан Борис, Лим Ен Ман ўртоқлар бошлиқ бригадалари пешқадамлик қилмоқдалар. Бу бригадалар ҳар гектар ердан кам деганда 200—210 центнердан каноп пояси топшириш учун курашмоқдалар. Ҳозир бу бригадаларда каноп поясини ўриш, пўстлоғини шилиб қуритиш ишлари бошлаб юборилди. НП-9 машиналарида ишлаётган ҳар бир механизатор ўзига берилган кунлик нормани ортиғи билан бажариш учун курашмоқда. Ким Михаил, Ким Ен Гвон, Абдуҳошим Ўролов сингари механизаторларимиз ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар.

Биз ўрим-йиғим ишларида ишчи кучлари, техникадан унумли фойдаланиб, нобудгарчиликка сира йўл қўймасдан, маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун курашамиз. Бу йил бир центнер каноп-нинг таннархи 6,5 сўмга туширилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўримни бошлаш билан бирга баъзи майдонлардаги каноп-ни парвариш қилишни ҳам давом эттирмоқдамиз. Айниқса уруғлик учун ўстирилаётган каноп-дан ҳамма вақт кўз-қулоқ бўлиб туришга тўғри келади. Биз бу йил давлатга ўтган йилдагига қараганда анча кўп ва сифатли каноп уруғлиги етказиб берамиз.

Бугун бўладиган область лубкорларининг кенгаши кўрсатмаларига амал қилиб, каноп ўриш ва уни давлатга топшириш ишларини намунали ташкил этамиз. Давлатга мўл-кўл луб етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятимизни сўзсиз бажарамиз.

Пак ДЕН ХИБ,
Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг раиси.

ЛУБКОРЛАРИМИЗНИНГ ЖАНГОВАР ВАЗИФАСИ

Олтин ёзнинг сўнгги ҳафталари ўтиб бормоқда. Ҳамма ерда тўкинчилик. Сабзавотдан, картошкадан мўл ҳосил етиштирилди. Олма, узум, мева ҳосили ҳам баракали бўлди. Кенг ва беполён пахтазорларимизда ҳам иш қизғин. Механизаторлар, сувчилар ҳар туп ғўзани авайлаб парваришлаб «оқ олтин»дан мўл ҳосил тўпламоқдалар. Ғўза тупларидаги мўл-кўл ҳосилни кўз-кўз қилиб турган далаларни айланиб юрсангиз, ямяшил ўрмонзорларни эслатувчи каноп-зорларга ҳам дуч келасиз. Ҳа, лубкор хўжаликларнинг азаматлари ҳам ғайрат қилдилар. Улар эрта баҳордан буён тер тўкиб қилган меҳнатларининг самараси кўзга ташланиб қолди. Мамлакатга кам деганда 230 минг тонна каноп пояси етказиб берамиз! Лубкор хўжаликларнинг аҳди ана шундай.

Ишонч билан айтиш мумкинки, улар ана шу юксак мажбуриятга яраша меҳнат қилдилар. Эндиликда етиштирилган ҳосилни пешма-пеш ўриб, каноп поя-ларини шилиб, давлатга топшириш пайти келди.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «Правда» колхозларининг далаларида ҳар гектар ердан 200 центнердан кўпроқ топшириш имконини берадиган ҳосил етиштирилди. Куйичирчиқлик лубкорларнинг ҳиммати ҳам катта. Улар йил бошида давлатга 120 минг тонна каноп пояси сотишга сўз берган эдилар. Азаматлар ўз сўзларининг уддасидан чиқиш учун фидокорлик билан меҳнат қилишди. Яқинда улар ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, зиммаларига янги мажбурият олдилар. Эндиликда 125 минг тонна учун кураш кетаяпти. Димитров номли, Хрушчев номли, Энгельс номли колхозлар ана шу курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Ҳозир бу район хўжаликларининг илғор бригадалари ва звеноларининг каноп ўримини бошлаб юбордилар. Каноп поясини шилиб, толаларга ажратадиган машиналар тахт қилиб қўйилганлиги, каноп ўрадиган кишилар етарли миқдорда ажратилганлиги туфайли ҳам дастлабки кунданоқ иш суръати ортиб бормоқда.

Лекин областдаги ҳамма лубкор хўжаликларда ҳам каноп ўримига пухта тайёргарлик билан киришилаяпти деб айтиб бўлмайди. Бир қатор хўжаликлар «энди ҳосил қўлга киритилди» деган кайфиятга берилиб, парвариш ишларини тўхтатиб қўйганлар.

Масалан, Қуйи Чирчиқ районидаги «Гулистон», «Победа» колхозларида ривожи паст каноп ўсимликлари анчагина майдонни ташкил этади. Лекин бу ерда ана шу ўсимликни парвариш қилишга етарли эътибор бермаётирлар. Бундай хўжаликлар Юқори Чирчиқ районида ҳам учрайди. Шуни айтиш керакки, кўпгина «НП-9» маркали каноп поясини шиладиган машиналар ҳалигача тўла тахт қилинмаган. Юқори Чирчиқ районида ана шундай машиналардан 211 таси бор. Лекин улардан эндигина 170 таси тайёр ҳолга келтирилди.

Ўрилган каноп поя-ларини яхши қуритиб, ўз вақтида луб заводларига элтиб бериш маҳсулотнинг сифатли бўлишини таъминлайди. Бунинг учун эса колхоз ва совхозлардаги ҳамма машиналарни ишга солиш керак. Афсуски, бир қатор хўжаликларда, айниқса Қуйи Чирчиқ районидаги хўжаликларда, машиналар учун балон етишмайди. Бу соҳада ёрдам сўралиб, қишлоқ хўжалик техникаси область бўлимига берилган заказлар оқибатсиз қолиб келмоқда.

Мамлакатга пахта қанчалик зарур бўлса «кўк олтин» ҳам шунчалик зарур. Демак, шундай экан, тер тўкиб етиштирилган каноп поя-ларининг ўз вақтида ўрилиб, даланинг ўзида қайта ишланиб, давлатга етказиб берилиши учун ҳамма чораларни кўрайлик. Етилган каноп поя-ларини пешма-пеш ўриш, даланинг ўзида поя-сини шилиб, толаларга ажратиш ва қуритиш ишларини муваффақиятли ўтказиш учун ҳар бир колхоз ва совхоз тўла имкониятга эгадир. Энг муҳими шуки, мавжуд «НП—9» машиналарнинг тўла унум билан ишлашига эришиш зарур. Бу йилдан бошлаб лубкор хўжаликлар каноп поясини шиладиган янги «ТМГ» маркали машиналарга ҳам эга бўлдилар. Янги машина анча такомиллашган бўлиб, лубкорлар ишини бирмунча енгиллаштиради. Бу машиналарда ишлаш учун энг яхши тракторчи кадрларни танлаш, уларнинг унумли меҳнат қилиши учун ҳамма шароитларни яратиб бериш зарур. Бригада ва звено бошлиқлари ҳамма вақт ишнинг бошида бўлишлари, бажарилаётган ишнинг сифати учун қайғиришлари керак. Илғорларнинг тажрибасидан фойдаланиб, ишни икки сменада ташкил қилиш лозим. Ана шунда етилган каноп поялари узоқ туриб қолмайди, уларни ўз вақтида ўриб олиш учун имконият туғилади.

Янгийўл территориал ишлаб чиқариш бошқармаси, район партия комитетлари, район ижроия комитетларининг раҳбарлари лубкор хўжаликларда ишни ҳар тарафлама олга бостиришда колхоз ва совхозларга амалий ёрдам беришлари зарур. Хўжалик раҳбарлари эса ҳар бир бригаданинг талаб ва эҳтиёжлари, картанинг шароитига қараб иш юритсинлар. Мавжуд машиналар, ишчи кучларини тўла сафарбар этиб, ҳамма ерда каноп ўримини оммавий равишда қизитиб юбориш, бунда юқори меҳнат унумдорлигига эришиш зиммага олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш гаровидир.

Мамлакатга 230 минг тонна каноп пояси ва 1600 тонна уруғлик каноп етказиб бериш — областимиз лубкорларининг жанговар вазифасидир. Бу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши КПСС XXII съезди ва партия Марказий Комитети март Пленуми қарорларининг бажарилишига муносиб ҳисса бўлади. Ҳеч шубҳа йўққи, лубкорларимиз бу вазифанинг уддасидан чиқадилар.

ЎРИМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДАЛАР

Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» совхозининг 4-бўлим ишчилари бу йил 618 гектар ерга каноп экиб юқори ҳосил етиштириш учун астойдил курашдилар. Ҳозиргача барча майдондаги каноп уч марта культивация қилиниб, тўрт марта суғорилди.

Бўлим ишчиларидан Ҳ. Абдурасулова, Н. Шукурова, С. Очилов, Ж. Ҳатомов сингари ўртоқлар каноп-ни ёввойи ўтлардан айниқса, зарпечаклардан тозалашда фидокорона меҳнат қилдилар. Ҳозир бу бўлимда етиштирилаётган каноп-нинг бўйи 4 метрга етиб қолди. Айниқса О. Шоҳибов, Ким Аликсей ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосил мўл.

Мўл-кўл каноп ҳосили етиштиришга аҳд қилган бу бўлимда йиғим-теримга ҳам тайёрлик ишлари бошлаб юборилди. Ҳозир 6 агрегат сифатли қилиб ремонтдан чиқариб қўйилди.

М. ЖОНИҚУЛОВ.

ИЛҒОРЛАРГА — ДИПЛОМ ВА МЕДАЛЛАР

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг кўрсатмасига биноан, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Ўзбекистон ССР павильони ўз ишини қайта кўрди. Бу ерда фан, техника ва илғор хўжаликлар эришган ютуқлар кенг намойиш қилинадиган бўлиб қолди.

Республика павильонида пойтахт Тошкент области асосий ўринни ишғол қилади. 1961 йилда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштириб, катта меҳнат муваффақиятини қўлга киритган областдаги бир қатор хўжаликлар виставканинг диплом ва медаллари билан мукофотландилар.

Ўтган йили 4620 гектар ернинг ҳар гектарида 32,5 центнер пахта, 5995 гектар ернинг ҳар гектарида 185,4 центнер каноп, кўп миқдорда узум, галла ва чорва маҳсулотлари етиштириб, уларни давлатга сотиш планини анча ошириб бажарганлиги учун областнинг Юқори Чирчиқ райони биринчи даражали Диплом билан тақдирланди. Район партия комитетининг биринчи секретари М. В. Ким, район ижроия комитетининг раиси М. Ю. Ражабова ўртоқлар ҳурмат дипломлари билан мукофотландилар. «Правда», «Ўзбекистон» колхозларига иккинчи даражали диплом, «Ленинский путь» колхозига учинчи даражали диплом берилди. Район хўжаликларининг илғорларидан 72 киши олтин, кумуш, бронза медаллари ва қимматбаҳо совғалар олди.

Областнинг кўпгина илғор хўжаликлари виставкада ҳар йили ташкил этиладиган соҳалар бўйича павильонларда қатнашадилар. 1961 йилда галладан юқори ҳосил етиштиргани, соҳалар бўйича қатнашиб, галладан натурал экспонатлар тайёрлагани учун Виставка советининг комитети Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг саккиз илғорини медаллар ва қимматли совғалар билан мукофотлади. Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхози эса 1961 йилда узум етиштириш ва вино тайёрлаш бўйича яхши муваффақиятга эришгани ва тематик виставкада қатнашгани учун биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Колхознинг тўрт илғорига эса медаль ва қимматли совғалар топширилди.

Юқори Чирчиқ райони маккажўхорикорларининг довруғи бутун мамлакатга ёйилган. Маккажўхори етиштиришда 1961 йилда эришган муваффақиятлари ва маккажўхорининг натурал экспонати намойишида қатнашганликлари учун районнинг Свердлов номли, «Ленинский путь» ва «Политотдел» колхозларидан 19 илғорга медаль ва қимматли совғалар топширилди.

Виставканинг бу тақдирлари юқорида номлари тилга олинган хўжаликлар меҳнаткашларини янги зафарларга илҳомлантирмоқда. Тошкент областидаги бошқа хўжаликлар ҳам улардан ўрнак олиб, виставкада қатнашиш ҳуқуқи учун курашишлари керак.

А. НУЪМОНОВ,
Тошкент область ижроия комитети Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси секторининг мудири.

— Ҳар гектар ердан пландаги 125 центнер ўрнига 170 центнердан каноп пояси топширамиз! Қуйи Чирчиқ районидаги «Ленинград» колхозининг ўртоқ Хан Борис бошлиқ бригадаси лубкорларининг бу йилги аҳди ана шундай. Суратда: бригадир ўртоқ Хан Борис (ўнгда) сувчи Ҳ. Ҳайритдинов билан ҳосилнинг чўғини чамалаб кўрмоқда.

АФГОНИСТОН ПОДШОСИ МУҲАММАД ЗОҲИР ШОҲ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ МЕҲМОНИ

ЯЛТА. 8 август. (ТАСС). Бугун Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ жаноб олийлари Қримнинг жанубий қирғоғида дам олаётган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ҳузурига визит билан келди.

Ана шу учрашув вақтида Н. С. Хрушчев Афғонистон подшосига Н. П. Хрушчевани ва ўз оила аъзоларини таништирди.

Сўнгра, Совет ҳукуматининг бошлиғи дўстона Афғонистондан келган ҳурматли меҳмон шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда подшо билан бирга унинг ҳамроҳлари: шаҳзода Шоҳ Маҳмуд, Сардор Абдул Вали, ташқи ишлар министрлиги умумсиёсий департаментининг бошлиғи Нур Эти-мади, подшонинг маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси, профессор Ҳалилулла Ҳалилий, подшо саройи протокол бошқармасининг бошлиғи Муҳаммад Али ҳозир бўлдилар. Афғонистоннинг СССРдаги элчиси Абдул Ҳаким Шоҳоламий ҳам ҳозир бўлди.

Совет томонидан зиёфатда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, Н. С. Хрушчевнинг оила аъзолари қатнашдилар.

Ҳамма далада

— 1065 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз! Бунинг учун барча майдонлардаги ғўзаларни яна 2 марта комплекс парваришдан чиқарамиз, 475 гектар ердаги ўсишдан қолган ғўзаларга «шарбат» суви берамиз!

Бўка районидаги «Ленинизм» колхози аъзоларининг аҳди ана шундай. Колхозчилар олинган социалистик мажбуриятни бажариш йўлида ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Ғўза қатор ораларига ишлов беришда, айниқса ўртоқ Т. Пардаев бошчилик қилаётган бригада пахтакорлари олдинда боришаётир. Улар 113 гектар ерга чигит экишган. Ҳамма майдонлардаги ғўзалар тўрт марта комплекс парваришдан чиқарилди. Ҳозирнинг ўзида ҳар туп ғўзада 9—10 тадан бўлиқ қўсак, 12-13 тадан гул бор. Дастлабки муваффақиятларга эришинда С. Тошхўжаев, Қ. Йўлдошев сингари меҳнатсевар универсалчиларнинг ҳиссалари катта. Улар катта-катта майдондаги ғўзаларни сифатли культивация қилмоқдалар. Тажрибали сувчилардан И. Номозов, Х. Худойбердиев, К. Иброҳимов, Н. Билолов ўртоқлар ғўзани талабига қараб суғориб, сувни чуқур эгатлардан жилдиратиб оқизмоқдалар.

Бригада аъзолари етиштирилган ҳосилнинг ярмини машинада териб олиш учун аҳд қилганлар. Шу мақсадда 60 гектар ернинг ғўзаси алоҳида парвариш қилинмоқда.

Ҳақиқатан ҳам бу колхозда иш қизғин. Мўл ҳосил тақдири ҳал қилинаётган шу кунларда ҳамма далада.

Жамбул номли колхознинг ўртоқ Ҳ. Ражабов бошлиқ бригадаси аъзолари Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан мавжуд 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан илгариги мажбуриятдаги 25 центнер ўрнига камида 28 центнердан пахта етиштиришга сўз бердилар. Ҳозир бу ерда ғўза парвариши бутун чоралар билан авж олдирилмоқда.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ.

А. ЭРГАШЕВ.

* * *

ЧИНОЗ. Ленин номли колхознинг ўртоқ Б. Ёрқулов бошчилик қилаётган бригадасида жўякларга ная усулида сув тараш кўнгилдагидек бормоқда. Тажрибали сувчилардан И. Жобоев, М. Кулибоев, В. Назаров ўртоқлар бу усулни пухта ўзлаштириб олганликлари учун кунлик нормаларини анча ортиғи билан бажараяптилар.

Райондаги «Қизил Октябрь» колхозининг ўртоқ Р. Исоқов бошлиқ тюпкочи бригадасида механизация кучидан унумли фойдаланилаётир. Механизаторлардан Б. Исоқов ва Б. Маҳмудов ўртоқлар ўз вазифаларини сидқидиллик билан адо этмоқдалар.

Қ. СОДИҚОВ,
Ғ. ТУРСУНХЎЖАЕВ.

ЯНГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

БИРИНЧИ БЎЛИБ

ОҚҚЎРҒОН. Октябрь пахта тайёрлаш пунктининг ишчи ва хизматчилари улуғ етти йиллик тўртинчи йилининг пахта ҳосилини қабул қилишга пухта тараддуд кўриб қўйдилар. Улар Алимкент пахта заводига қарашли тайёрлаш пунктлари орасида биринчи бўлиб, пунктни тўла ремонтдан чиқардилар.

Пункт ишчиларидан А. Наширбоев, А. Абдураҳмонов, М. Ботиров, М. Чўтбоев, М. Рамазонова ва бошқаларнинг фидокорлиги туфайли барча асбоб-ускуналар ремонти тугатилди, пахта бунтлаш майдончалари асфальтланиб, тартибга келтирилди. Жумладан 7 та транспортёр, 2 та автомат тарози, қуритиш-тозалаш цехи, 20 та пахта бунтлаш майдони, пахта сақлаш омборлари белгиланган муддатдан илгари тўла-тўкис ремонтдан чиқди ва мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Т. МАМБЕТОВ.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

ОТАШ ҚАЛБЛАР

Биз завод партия бюросининг секретари Эгамберди Исаев билан цехларни айланар эканмиз, тинимсиз ҳаракат қилаётган қудратли машиналар, ўт юракли кишилар, хилма-хил тайёр маҳсулотларни кўрдик. Бошқа саноат корхоналарида бўлгани каби бу ерда ҳам ҳамма иш ягона мақсадга — КПСС XXII съезди қарорларида ўз ифодасини топган коммунистик жамиятнинг моддий-техника базасини яратиш манфаатларига бўйсиндирилган.

Маҳсулот тайёрлаш участкасига ўтганимизда иссиқ ҳаво юзларга урилди. Бу ердан эсган қалб ҳарорати бутун заводни ҳаракатга солгандай...

— Танишинглар, новатор коммунист Бўри Омонов, — деди секретарь қозон ёнида турган кишини кўрсатиб. Унинг содда, тийрак кўзлари чарақлаб ёнарди, новатор ишчи юз-кўзларидан йилтиллаб оқаётган тер доначаларини артгач, биз билан қўл олишди, сўнгра термометрга назар ташлади-да, қоришмани қолипларга жойлай кетди. Лекин у бу ишларни қўл билан эмас, ақл-фаросат билан кучли агрегатлар воситасида бажарарди.

— Смена нормасини неча процент бажаряпсиз? — сўрадик ундан.

— Илғарилари 105—106 процент ўртасида бажарар эдим. Партия XXII съезди бизларга янги куч, тугалмас ғайрат бағишлади: Мана энди планни 125 процентга етказяпман.

— Ҳарорат анча юқори экан...

— Ҳа, шундай. Лекин биримиз иссиқдан, иккинчимиз совуқдан чўчисак коммунизмга қачон етиб борамиз, — деди очиқ чеҳра билан ҳазил аралаш Бўри Омонов. — Биз бундай иссиқликка кўникиб қолганмиз. Менга партиянга қабул қилганларида ҳам мана шу ерда, иссиқ ҳароратда чиниққанлигимни айтганим эсимда.

Юракдан отилиб чиққан бу оташ сўзлар оддий коммунистнинг ҳис-туйғусини ифодаларди.

Завод партия бюросининг секретари унинг фикрини маъқуллар экан, «коммунист шундай бўлиши керак» деб қўйди.

Бу сўзлар мазмуни Тошкентдаги абразив заводидаги меҳнатнинг улуғлигини, шу коллектив эришаётган муваффақиятларнинг шарафини изоҳларди, янгилик кашф этаётган, меҳнатни шуҳратлаётган кишиларнинг нималарга интилаётганлигини ифодаларди.

КОММУНИСТИК БУРЧ, БУ

Коммунист Чавуш Абдул бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси янги ниҳол куртакларини илдиз оттиряпти. Абдулла Хуснитдинов, Георгий Сердовенцов, Завур Сардорбековлар ҳам ана шу коммунистдек ҳамфикр, ҳаммаслак кишилар. Улар партия сафига шу ерда аъзо бўлиб кирдилар. Улар завод партия ташкилотининг қайноқ қўйнида улғайдилар, ҳаёт тажрибасини тўпладилар. Улар якка-ёлғиз эмаслар. Энг яқин дўст, ҳамкасб орттирган кишилар, оммаларнинг етакчилари, ғамхўр ва маслакдошлари. Бу коммунистларнинг шуҳрат кетидан қувадиганлардан эмас. Уларнинг оддийлиги, камтарлиги, бир-бирига ўртоқ, дўст ва биродор бўлиб ҳаёт кечириш-лари бутун завод коллективи учун намунадир.

Лекин коммунист ўз шахсий муваффақияти, ўз цехи ёки бригадасининг яхши кўрсаткичи билан қаноат ҳосил қилаолмайди, балки бутун коллектив умумий юксалишга эришганида, завод партия ташкилотининг жипслиги, оммага таъсири ва ташкилотчилик фаолияти мана шу юксалиш заминида ифода топгандагина партиявий бурчини ўтаган бўлади. Худди мана шу манзара абразив заводида ёрқин намоён бўлиб турибди.

Илғарилари, бундан атиги икки йил олдин завод тайёрлаган маҳсулотлар Ўзбекистондагина тарқалар эди. Эндичи, унинг маҳсулотини бутун мамлакат оляпти, улкан элимизнинг саноат марказлари — Москва, Горький автомобиль заводларига, Харьков ва Волгоград трактор заводларига, яна қанчадан-қанча корхоналарга юбориляпти. Уларнинг сони ҳозирча беш юзта. Аммо бу сон ўсаверади! Ҳа, Хитой, Корея, Куба ва бошқа давлатлар ҳам абразив заводи маҳсулотидан баҳраманд бўлаётгани бежиз эмас.

Завод етти ойлик планни 104 процент бажарди. Пландан ташқари 56 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот берди. Шу давр ичида маҳсулот таннархи камайиб, тежалган маблағ ва материаллар миқдори анча ўсди.

— Бу ютуқларимиз, — дейди завод директори инженер Турғун Эргашев, — партия XXII съезди қарорларини бажариш йўлида қилаётган ишларимизнинг дастлабки натижаси, завод коллективининг умумхалқ ишига қўшаётган ҳиссаси.

Авангард, етакчи бўлиш ғояси коммунистга, ҳатто эндигина партия даргоҳига қадам қўяётган содиқ ва дадил кишига хос хусусиятдир. Бўри Омонов, Чавуш Абдул, Георгий Сердовенцовларда мана шу ҳислатлар чуқур ўрнашганлиги юксак коммунистик бурчни бажаришда уларга куч берди. Заводдаги ҳамма коммунистлар ҳам илғор, ҳам пешқадам кишилар, йириқ коллективнинг меҳрибон, қадрдон ижодкорлари. Бироқ ҳар бир коммунистнинг атрофида ўнлаб, йигирмалаб дўстлари, ҳамкасблари — оддий ишчилар бор. Уларнинг ҳар бир муваффақияти коммунист учун қадрли ва қимматлидир. Завод партия ташкилоти худди мана шу кучга — партиялилар билан партизисизларнинг бирлик, ҳамжиҳатлик ва ягона иродасига таянади, илғор кишилар намунасида бошқаларни тарбиялайди, янги ишларга қўзғатади, яхшилар қанотида ҳароратли кишилар нафас олади, завод эса янги марраларни эгаллайверади.

БУЛАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ЯНГИ КУЧЛАРИ

Деҳқоннинг ўғли Тўхтамурод Ризаев қишлоқ мактабини битиргач заводга ишга келди. Унга таниш бўлмаган янги касбда ишлаш қанчалик қийин эканлигини тасаввур этиш мумкин. Аммо унинг бу ерга келиши тасодифий ҳол эмасди... Ҳаёт йўлларимизни олган ёш йигитнинг қайноқ қалбида саноат корхонасида ишлаш орзуси ўша қўйқ юрган кезларида туғилган эди. Лекин Тўхтамурод Ризаевни заводга чорлаган нарса унинг орзу-истагигина эмас. Кўп йиллик тарбия, ёш авлодда меҳнат кўникмаларини сингдириш йўлида шу мактаб қучоғида олган таълим унга мадад берди. Оддий деҳқон ўғли ҳозирги пайтда йирик саноат корхонасининг донгдор ишчиси, мураккаб касб эгаси — формовщик.

Тўхтамурод Ризаевлар заводга келаётган ёшларнинг катта отрядини ташкил этади. Меҳрибон коллектив, ғамхўр партия ташкилотининг диққат-эътибори ана шу ёшларни қуршаб олган. Йигит ва қизларга касб ўргатиш, уларнинг малакасини ошириш, қийин ва мураккаб технология процесси билан уларни таништириш чидам ва тоқат талаб қилади. Завод партия ташкилоти масаланинг бу муҳим томонини яхши англаб, ёш ишчилар учун турли тўгараклар, курслар ташкил этди. Доимий қаратдаги курсда шу йилнинг ўзида 39 киши таълим олди. Ҳозир уларнинг ўрнини янги кучлар эгаллади — 40 га яқин ёш ишчи мана шу курсда ўқияпти.

Ёшлар завод коллективининг резерви бўлиб қолмай, шу билан бирга улар партия қаторларини янги кучлар билан тўлдириб турибди. Тўхтамурод Ризоев меҳнатда, ўқишда, жамоат ишларида шахсий ибрат кўрсатганлиги учун у яқинда КПСС аъзолигига кандидат қилиб қабул этилди. Илғор ишчи Мустафо Шаипов партия қаторига ўтиш учун комсомолдан йўлланма олди. Яқин вақтлар ичида завод партия ташкилоти ишлаб чиқариш новаторларидан бирнеча кишини партия сафига қабул қилди.

Партия қаторларининг илғор кишилар ҳисобига ўсаётганлиги партия ташкилотининг руҳига, унинг авангардлик, етакчилик ролини оширишга, омма орасидаги таъсирини кучайтиришга шубҳасиз сабаб бўляпти.

Суратда (чапдан): партбюро секретари Э. Исаев, ОТКнинг старший контролери М. Дервишев, термик участканинг старший мастери К. Мамутов, ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Ф. Толипов ўртоқлар тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар. И. Глауберзон фотоси.

— Ниҳолни илдиз оттирган, шогирдни устоз даражасига кўтарган киши кам бўлмайди, — дейди коммунист Чавуш Абдул.

Худди мана шу ҳис-туйғу заводнинг кекса авлодига хос характердир. Бу ерда кўп йиллик тажриба орттирган ҳар бир ишчининг ўнлаб шогирдлари, ўринбосарлари бор. Чавуш Абдулнинг ўзи ўн етти ишчини мустақил касб эгаси қилиб тайёрлади. Кенг бағрли, меҳрибон, ғафодор, зийрак ва камтар бу коммунистнинг ташкилотчилиги шу билан чекланмайди. У партия сафига эндигина қабул қилинган ёш коммунистларни жамоат ишларида чиниқтиришда ҳам актив қатнашяпти.

КИШИ КИШИГА ДЎСТ, ЎРТОҚ ВА БИРОДАР

Участка ишчиларининг йиғилиши қизғин давом этарди. Бу йиғилишнинг одатдан ташқари кескин тус олганлигининг бойиси бор. Партия бюросининг секретари Эгамберди Исаев шу йиғилишда масалани кўндаланг қўйди: интизомни бузаётган, ўз оиласига тинчлик бермаётган, меҳнат нормасини бажармаётган, хуллас, янги жамият кишисининг ахлоқ принципларидан тояётган айрим шахсларни қаттиқ танқид остига олди. Ана шулардан бири Нуриддин Ҳайриддинов эди.

Йиғилишда сўзга чиққанлардан бири унга заҳарханда билан тикилди-да, «сен бу аҳволинг билан узоққа бораолмайсан, бизга дўст ҳам, ўртоқ ҳам, биродар ҳам бўлаолмайсан» деб қўйди. У нега шундай деди? Бир вақтлар Нуриддин Ҳайриддинов туппа-тузук киши эди, ишлаб чиқариш тошширигини ҳам бажарарди. Лекин унинг юриш-туриши кейинчалик сийқа бўлиб қолди. Катта-катта олган маошларини беҳудага сарф этабошлади. Чуқур текширилганда илғарилари оиласи рўзғорига сарф этадиган пулини ҳам чеклаб қўйибди. Бунинг сабаби у ичкиликка берилиб кетибди. Унинг бу ярамас ҳатти-ҳаракати қаттиқ қораланди. Партия ташкилотида, маъмурият ва ишчилар комитетида бўлган шахсий суҳбатларда унинг нотўғри уриниши қандай ёмон оқибатларга сабаб бўлиши тушунтирилди.

Партия ташкилотининг вакиллари унинг оилавий аҳволини ҳам чуқур ўрганишди. Нуриддин Ҳайриддиновнинг қандайдир тасодифий кишилар билан муносабатда бўлганлиги, улфатчилик ва ичкиликбозлик қилганлиги аниқ фактлар мисолида очиб ташланди. Партия ташкилотининг тарбиявий таъсири, жамоатчиликнинг танқидий кучи Нуриддин Ҳайриддинов сингари баъзи бир йўлдан адашган кишиларни тўғри изга солиб қўйди. Ана шу куч, коллектив тарбия, сиёсий таъсир унинг табиатини кескин ўзгартирди. Мана энди Ҳайриддинов таъналар остида ранжиган киши эмас. У коллективнинг илғор кишилари сафидан жой олаётганлардан.

Киши кишига дўстлиги, ўртоқ ва биродарлиги ана шундай мисолларда равшан кўриниб турибди, дарҳақиқат мана шу юксак ҳислатлар чуқур сингаётган абразив заводида янги меҳнат муваффақиятлари қўлга киритиляпти. Бу ердан коммунизм ҳазинасига янги бойликлар тўкиляпти.

— Фақат илгарига интилишимиз керак, бу эса биздан кўп куч сарф этишни, коллективга бошчилик қилишни, янги муносабатларни ривожлантириш учун тарбиявий ишни янада яхшилашни талаб этади, — дейди завод партия бюросининг секретари Эгамберди Исаев.

Ҳа, шундай! Завод истиқболи, унинг олдида турган янги режалар партия ташкилотидан ўз кучларини янада жипслаштиришни, кишиларни янги ишларга қўзғатишни тақоза этади.

Х. ЕДГОРОВ,
М. НАЗАРОВ.

АКТИВЛАР ЁРДАМИ БИЛАН

Тошкент карборунд заводидаги завод комитетининг ўнта доимий комиссияси составида ишлаётган актив ишчиларнинг кўп кишилик отрядини касаба союз комитетининг жанговар ёрдамчилари деб атайдилар.

Ишлаб чиқариш оммавий комиссиясида ишлаётган активлар кўпгина яхши ташаббус кўрсатдилар. Улар мусобақа натижаларининг ўз вақтида эълон қилинишини кузатиб борадилар, илғорларнинг иш методлари тез ёйилишига эришиш учун ҳаракат қиладилар. Улар илғор тажриба мактабини ташкил қилдилар. Буларнинг ҳаммаси коммунистик меҳнат ҳаракатига ёрдам бермоқда. Ҳар ўн ишчидан тўққизтаси ҳозир ана шу ватанпарварлик ҳаракатида қатнашмоқда. Доимий ишлаб чиқариш кенгашининг таклифлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида коллектив кенг хабардор қилиб турилади. Техника бюллетени чиқарилмоқда.

Ишчилар контроль комиссияси ошхонанинг реконструкция қилинишига ва чойхона очилишига эришди. Уй-жой маиший комиссиянинг ташаббуси билан корхона территорияси ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг уй-жойлари территорияси обод қилинди ва кўкламзорлаштирилди. Ишчилар яшайдиган ховлиларда болалар учун ўйин майдончалари қурилди, ҳаваскорлар тўгараклари ташкил қилинди. (ЎзТАГ).

Аспирантура тўғрисида ЯНГИ НИЗОМ

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги аспирантура тўғрисидаги янги низомни тасдиқлади. Шу муносабат билан ТАСС мухбири министрнинг биринчи ўринбосари М. А. Прокофьев билан суҳбат қилди.

Савол: Аспирантура тўғрисидаги янги низом чиқарилишига қандай ҳоллар сабаб бўлди?

Жавоб: Аввало, илмий кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш тўғрисидаги ғамхўрлик буни тақозо этди. Аспирантурани тамомлаб чиққан кишиларнинг фақат бироз қисми шу вақтгача фан кандидати деган илмий даражани олиш учун диссертация ёқлаб келган эди. Қолганлари эса, аспирантурани тамомлаб чиққанликлари тўғрисида гувоҳнома олар эдилар, холос. Бундай аҳвол рўй берганлигига сабаб нима? Бунга сабаб шуки, биринчидан, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари аспирантурага номзодлар танлаб олиш соҳасида суст иш олиб бордилар; иккинчидан, илмий раҳбарлар аспирантларнинг ишини кўпинча доимий назорат остига олмадилар.

Яна бир, эҳтимол, энг асосий сабаб бор эди. Ўз асарининг асосий қоидаларини матбуотда эълон қилган кишиларгина диссертация ёқлашга қўйилар эди.

Бу ва бошқа бир қанча камчиликлар КПСС Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Советининг мамлакатимизда илмий кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги қарорларида кўрсатиб ўтилди. Партия ва ҳукумат кўрсатмалари асосида аспирантура тўғрисидаги янги низом ишлаб чиқилди.

Савол: Янги низомнинг аввалги низомдан асосий фарқлари нимадан иборат?

Жавоб: Аввало, аспирантларнинг ҳуқуқ ва бурчларига муҳим ўзгаришлар киритилганлигини айтиб ўтиш керак. Юқорида айтиб ўтганимиздек диссертацияни ёқлаган ёки илмий кенгашнинг фикрича, етарли даражада фойдали деб ҳисобланган илмий-тадқиқот темасини ишлаб чиққан киши аспирантурани тамомлаб чиқди деб ҳисобланар эди. Эндиликда диссертацияни белгилган муддатда албатта ёқлаган ёки ёқлаш учун тақдим этган кишилар аспирантурани тамомлаган деб ҳисобланадилар. Ана шу диссертация илмий, амалий жиҳатдан янги хулосалар ва тавсияларни ўз ичига олмоғи керак.

Қабул шартлари ҳам тубдан ўзгарди. Назарий фанлар юзасидан илмий кадрлар тайёрлаш учун ёш мутахассисларнинг олий ўқув юртини тамомлаб чиқишлари биланоқ аспирантурага конкурс имтиҳонларидан ўтишларига рухсат берилади. Сиртқи, кечки олий ўқув юртларини тамомлаб чиққан ва камида икки йиллик амалий иш стажига эга бўлган кишилар ҳам шу ҳуқуққа эга бўладилар. Кандидатлик минимумини топширган кишилар аспирантурага кириш вақтида кириш имтиҳонларидан озод қилинадилар.

Сиртдан ўқувчи аспирантларга катта енгилликлар берилади. Улар тўрт йиллик ўқиш даврида ҳафтасига бир кун асосий ишдан озод қилинадилар. Ана шу кун учун иш ҳакининг 50 проценти миқдорида ҳақ тўланади. Аспирантларнинг истагига мувофиқ, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарларига уларни тўртинчи ўқув йилида ҳафтасига қўшимча равишда яна бир-икки кун ишдан озод қилишга рухсат берилади, лекин ишланмаган ана шу кунлар учун ҳақ тўланмайди.

Иттифоқчи республикалардан илмий кадрлар тайёрлаш учун янги низом махсус аспирантура ташкил этишни кўзда тутади.

Ўқув юртлари, саноат корхоналари, совхозлар, колхозлар ва иттифоқчи республикаларнинг бошқа ташкилотлари тавсия этган кишилар бу аспирантурага конкурссиз қабул қилинадилар.

Эндиликда олий ўқув юртларининг ўқитувчилари гина эмас, балки ёши 45 дан ошмаган мактаб ўқитувчилари ҳам олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этилган бир йиллик аспирантурага қабул қилинадилар.

Аспирантура тўғрисидаги янги низом мамлакатимизда ёш илмий кадрлар миқдорини оширишга қодир, балки энг муҳими — уларни тайёрлаш сифатини яхшилашга ҳам, шубҳасиз, ёрдам беради. (ТАСС).

Маданият уйи эътибордан четда

Негадир кейинги пайтда Тошкентдаги Киров район маданият уйи ҳақида гап чувалашиб қолди. Шаҳар маданият бошқармасига борсангиз ҳам, район ижроия комитетида бўлсангиз ҳам маданият уйи тилга олинади. «Ўзи нима гап?» деб сўрарсиз. Биз ҳам ўзи нима гаплигини билиш мақсадида район маданият уйида бўлганимизда унинг бутун «сир-асрори» маълум бўлди қўйди.

Маданият уйидаги нуқсонлар туфайли унинг «фаолияти» ҳамма ёқда достон бўлди. Маданият уйи ҳақида гап очилса «маданият уйи» деган оти бор, холос, дейишади район меҳнаткашлари ачиниш билан. Унинг тузуккина клуби, ёп-ёруғ ва кенг зали бор. Лекин кечқурунлари кишиларнинг бундай ёзилиб ҳордиқ чиқарганини кўрмайсиз. Маданий-оммавий тадбирлар ўтказилмайди ҳисоб. Ўтказилган тақдирда ҳам тўс-тўполон босиб кетади. Негаки, бошқош бўладиган одам йўқ. Директор М. Кошелева эса парвойи-палак. Мазмунли лекция, суҳбат ташкил этгиришни хаёлига ҳам келтирмайди. Кейинги 3-4 ой ичида бир марта ва лекция ўқилди, на кеча ўтказилди.

Тўгараклар масаласига келганда ҳам иш чатоқ. Маданият уйи қўбига кираверишда ўнг қўлда «Тўгараклар жадвали» осиб қўйилган: унда олти хил тўгарак ишлаб тургани, ўтказиладиган вақт соати тартиб билан катта-катта қилиб ёзилган. Аслида эса аҳвол тамоман бошқача. Ўзбек чолғу ансамблини ҳисобга олмаганда қолган тўгараклар номигагина ишлайди. Хор тўгараги машғулотлари анчадан бери ўтказилмайди. Рақс коллективи тарқатиб юборилди.

— Нега бундай бўлди? — деб сўраганимизда директор ҳамма айбни бадиий раҳбар К. Тимербоевага ағдарди. Лекин ўртоқ Тимербоева асосий айб директорнинг ўзида эканлигини конкрет мисолларда исботлаб берди.

— Тўгараклар билан бевосита шуғулланай десам унамайди, — деди ўртоқ Тимербоева гапни лўндда қилиб. — унинг чизган чизиғидан чиқиб кўрингчи, балога қоласиз.

Мана сизга маданият уйи директорининг жонбозлиги-ю, ишга масъулияти. Ҳақиқатан ҳам М. Кошелева ўзи хон, қўланкаси майдон бўлиб қолган. Бирой ходим ёқмай қолдими, дарҳол уни ишдан бўшатиш пайига тушади. Туппа-тузуккина ишлаб турган рақс, хор тўгаракларининг раҳбарлари кейинги 3 ой ичида 3 марта алмаштирилди. Рақс тўгарагининг раҳбари Р. Бек ишга қабул қилинганига бир ой бўлмасдан негадир меҳнат отпускасига чиқиб кетди. Мана энди бу тўгарак ишламай қўйди.

Маданият уйи ҳақиқатан ҳам ўз фаолиятини сусайтириб юборди. Тайёргарликнинг йўқлиги туфайли тўгарак аъзолари ҳаваскорлар кўрикларига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлмаяпти. Директорнинг айби билан Дзержинский номли маданият уйида ўтказилиши лозим бўлган концерт бўлмади. Маданият уйи ҳаваскорларининг телевизор орқали чиқиши ҳам қолиб кетди. Эндиликда маданият уйи ишончни йўқотиб қўйди. Шу сабабли парклар ва бошқа маданий-оқартув муассасалари маданият уйи ҳаваскорларини концерт қўйиб беришга таклиф қилишмай қўйишди.

Маданият уйида музика асбоблари ва бошқа зарур қуроллар етишмайди. Рус чолғу асбоблари эса мутлақо йўқ. Хор коллективи аъзолари учун костюмлар сотиб олинмаган. Вахоланки, ана шу буюмлар учун ҳар йили етарли миқдорда пул ажратилади.

Маданият уйининг фаолияти шунча гап-сўз бўляпти-ю, лекин район партия ва комсомол комитетлари, қолаверса шаҳар маданият бошқармаси раҳбарлари унинг ишини яхшилаш масаласи билан негадир жиддийроқ шуғулланмаётганликлари кишини таажжублантиради.

Ж. ҚОРАБОЕВ.

ФИКР ПАРВОЗИ ВА САХОВАТИ

ЯНГИ УФҚЛАР

Инсон фикри ер ости сирларини очади... Бу образли ибора планетамизнинг ер остида жойлашган океан ҳақидаги мунозарада янги маъно касб этди. Тадқиқотчининг фикри ер ҳаётида ер ости сувларининг ролини том маъноси билан айтганда ҳам, кўчирма маъноси билан айтганда ҳам, тобора чуқур ёритаётганлигини йилма-йил кузатиш мумкин.

ЮНЕСКО табиий ва аниқ фанлар департаментининг директори профессор Виктор Ковда гидрологология масалаларига бағишланган халқаро симпозиумда ана шундай обзор қилиб берди.

Асримизнинг 20-йилларида кўп олимлар тупроқнинг ҳолатида ер ости сувларининг аҳамиятини эътиборга олмас эдилар. Сизот сувларнинг устки қатламлари ернинг шўрланишида ва ботқоқланишида катта роль ўйнаганлиги тўғрисидаги фикрни 30-йилларгача ҳамма тан олди. 40-йилларда эса бу процессда ер ости сувларининг устки қатламигина эмас, балки 5-10 метрлик қатламни ҳам иштирок этганлиги фанга аён бўлиб қолди.

Ниҳоят, ҳозир ер ости сувларининг бутун комплекси ҳақида гап бораётир. Кўп нарса ва биринчи навбатда шу нарса равшанроқ бўлиб қолдики, ҳозирги кунда олимлар олдида яқин ўтмишда фаннинг хаёлига ҳам келмаган янги проблемаларни ҳал этиш вазифаси турибди.

«Чин» денгизлар билан ер ости денгизлари бир-бирига қўшилиб кетганидек, олимларнинг фикри ҳам табиат сирларини очиш учун бирлаштирилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Ғани Мавлонов, Гарвард университетининг профессори Харальд Томас (АҚШ), венгриялик олим Иштван Собольч ва уларнинг ўнлаб коллегалари гидрогеологларнинг Тошкентдаги учрашувини турли мамлакат олимлари ҳамкорлигининг ажойиб намунаси, деб атадилар.

Бу форумнинг илмий якунларини мутахассислар тўплайди. Бизнинг вазифамиз — табиатни бўйсундиришнинг кўп проблемаларидан бирига бағишланган шу симпозиум мисолида кишилар ҳақидаги ғамхўрликдан илҳомланган фикр парвозини ва саховатини кўрсатишдан иборатдир.

СУВ ОМБОРЛАРИНИНГ РУҲАТИ

Биз сувсиз чўл-биёбон деб айтиб келаётган Саҳрои Кабирда, Қорақумда, Ражастонда сувни қандай топиш керак? Бу саволга совет олимлари жаҳон практикасида биринчи марта универсал жавоб бердилар.

...Геология-минералогия фанлари доктори Алексей Силин — Бекчурин Африка ва Осиё йўлларида 30 минг километр йўл босди. Бу йўллар энг довюрак туристни ҳам чўчитиб қўядиган маршрутлар бўйича ўтди... Бу жойлар қумлоқ, тошлоқ, лой-тупроқ чўлларнинг хилма-хил «тўплами» эди... Аммо сайёҳларнинг табиати шундай — улар ўзларини қизиқтирган ерга интиладилар. Сайёҳ олимни қизиқтирадиган нарсалар эса одатдаги доирадан четга чиқади. Шундай қилиб, москвалик олим чўл-биёбонларни боғу-бўстонга айлантиришга имкон берадиган нарсаларни қидириб саҳролар бўйлаб сафар қилди. У саҳрода сув қидирди.

Ўнлаб мутахассисларнинг бирлашган куч-ғайрати билан ер остидаги денгизларни очиш ва ўлчашдан ташқари, ер остидаги сувларнинг йўлини кузатишга, сув омборларининг вужудга келиш қонуниятларини ўрганишга ҳам муваффақ бўлинди. Шундай қилиб, чўлларда сув йўқ, деган афсоналар чиппакка чиқарилди. Ўрта Осиёнинг икки буюк дарёси — Амударё ва Сирдарё бўйидаги тақир ва қум-лой ерлар тагидан ўзининг оқим кучи жиҳатидан уларга тенг келадиган учинчи «дарё» оқиши мумкин. Бу дарё ер юзасига секундига 1000 кубометр сув бериб туриши мумкин. Бу миқдордаги сув қадим замонлардан бери қақраб ётган миллионлаб гектар ерларни суғориш ва сув билан таъминлаш учун етарлидир. Янги дарёнинг дастлабки манбалари — 5 минг қудуқ ҳозирнинг ўзида ер устига сув чиқариб турибди... Совет олимлари Шимолий Африка, Арабистон ярим ороли, Ҳиндистон учун ана шундай дарёлар бўлишини орзу қиладилар. Шимолий Африканинг ер ости сувлари ҳақидаги маълумотларни бизнинг фанимиз умумлаштирганлиги тасодифий бир ҳол эмас. Москвада Алексей Силин-Бекчуриннинг ана шу проблемага бағишланган китоби нашр этилмоқда.

...Алексей Силин-Бекчурин симпозиум минбарида гапириб бўлганидан кейин биз бу олимдан жаҳондаги сув омборларининг рўйхати қандай тузилаётганлиги ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Менинг китобим планетамизнинг гидрогеологияси соҳасидаги улкан асарнинг бобларидан бири, холос, — деди у. — Бу асарнинг асосий бўлимларини профессор Октавий Ланге, Белоруссия Фанлар академиясининг академиги Герасим Богомолов тайёрламоқда. Бунда Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа республикаларнинг гидрогеологлари олиб бораётган катта тадқиқотлар асосида умумий хулосалар чиқарилади.

— Конкрет нуқтада умумий қонуниятларни белгилаш билан сув запасларини прогноз қилиш ўртасидаги масофа каттами?

— Симпозиумдан кейин мен Қорақалпоғистонга жўнаб кетаман. У ерда «конкрет нуқталарда» қудуқлар пармаланмоқда. Биз бу нуқталарни Ўзбекистон олимлари билан биргаликда «умумий қонуниятлар» асосида кўрсатиб берганмиз, — деди табассум билан бизнинг суҳбатдошимиз, — У ердан қайтиб келишда мен сизларга янги натижаларни айтиб бераман.

ҚУЁШ ВА ТУЗ

Шўр мингларча гектар ерни оқ доғ билан қоплаб олади. Бу доғлар билан, айтайлик... Қуёшдаги доғлар ўртасида алоқа йўқмикин?

Бу тема хусусида жуда кўп ҳазил-мутоиба бўлган эди, шу сабабли: «Ҳа, шундай алоқа бор!» — дейиш учун жуда катта жасорат керак эди.

Фандаги турли йўналишларнинг вакиллари тўплаган минглаб маълумотлар ўзбекистонлик олим Натай Кенесаринининг Улуғ Ватан урушидан илгариёқ айтган таҳминини тасдиқлади. Н. Кенесарин ер органларининг статистика маълумотларини ўрганиб, сизот сувлар одатда ҳар ўнбир йилда энг кўп кўтарилганлигига эътиборини жалб қилди. Шунда қуёш активлиги ҳам ҳар ўнбир йилда қайтарилиб туриши эсга тушди.

Сизот сувларининг даражасига юзларча сабаблар таъсир қилади. Иклимнинг иқлим шароити, текширилаётган жойдан юзларча километр нарида ётган тоғлардаги музнинг силжиши, дарёларнинг тошиши, қўлларнинг режими, ниҳоят — инсон фаолияти. айниқса суғориладиган деҳқончилик зонасидаги фаолияти — буларнинг ҳаммаси тадқиқотчи олдида очиладиган манзарани тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Лекин, ёмғир ҳам, музнинг эриши ҳам, кўлларнинг даражаси ҳам, бошқа юзларча ҳодисалар ҳам биринчи навбатда Қуёшга, унинг активлигига боғлиқ-ку. Қуёш билан Ер ўртасидаги бундай алоқалар одамларга аллақачондан маълум. Шунинг учун ҳам янги қонуниятни ўрганса арзир эди. Лекин бу ҳолда ҳалиги ҳодиса фақат фавқулодда тўғри келиб қолган бўлиши мумкин.

Н. Кенесарин кўпгина билим тармоқларининг вакиллари бўлган олимлар кўрсатган ёрдамни маммунинат билан эслайди. Астрономлар билан алоқа айниқса самарали бўлиб чиқди. Ўруш йилларида Ўзбекистонга келиб қолган Пулково обсерваториясининг ходимлари тадқиқотчиларга Қуёшнинг активлиги вақти-вақти билан ўзгариб туриши тўғрисида зарур бўлган ҳамма маълумотларни бердилар. Қуёш активлиги унинг юзида доғларнинг пайдо бўлишига тўғри келади.

Астрономия жадвалдари билан статистикани таққослаш, Ўрта Осиё ва Қозоғистон воҳаларида, шунингдек Россиянинг ўрта минтақасидаги Каменний чўлида тўпланган маълумотлар Н. Кенесарин айтган таҳминга тўғри келди. Халқаро симпозиумда шу ҳақда гапирилди.

Бизнинг илтимосимизга биноан олим мухбирлар блокнотига Қуёш активлиги билан сизот сувлар даражаси ўртасидаги ўзаро алоқа схемасини чизиб кўрсатди. Тўлқинсимон чизиқ сизот сувлар режимини акс эттирар эди. Тўлқин кўтарилган жойлар энг юқори даражага тўғри келади. Бундай даражалар ҳар ўнбир йилда такрорланади. Шу вақтда туз ер юзасига чиқиб, тупроқни ярадек оқ доғлар билан қоплаб олади. Лекин беш-олти йил, яъни даврнинг ярми ўтгач, сув даражаси яна пасаяди. Шу йилларда ёмғир сувлари ва суғориш сувлари қаршиликка учрамасдан, ерга сингиб, юзадаги тузни ювиб кетади...

Биринчи чизиқ остига олим бошқа бир графикни — Қуёш активлиги графигини чизди. Ҳар иккала чизиқ бир-бирига жуда ўхшар эди. Қуёш активлиги энг кам бўлган йилга сизот сувлар даражаси энг баланд кўтарилган йил тўғри келади.

Тахмин назарияга айландими?

— Мен бунга ишонаман, — деди бизга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Н. Кенесарин. — Айни вақтда қўшимча далиллар керак бўлишини ҳам ўйлашимиз лозим. Лекин бу масалани охиригача ўрганиш керак деб ҳисоблайман. Сизот сувлар кўтарилиши даври билан боғлиқ бўлган шўр босишнинг циклилигини назарияси тасдиқланса, бу нарса узоққа мўлжалланган прогнозлар тузиш имконини беради. Мелиорациянинг ҳозирги замондаги хилма-хил методларидан фойдаланиб, олдиндан чоралар кўриш ва Қуёш активлиги пасайган йилларга тўғри келадиган шўрҳокнинг кўпайишига йўл қўймаслик мумкин бўлади.

Қуёшда доғларнинг йўқолиши ерда шўрҳок доғларнинг пайдо бўлишидан дарак берадиган бўлади.

Область партия комитетида

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙСИН

Чирчиқ электрокимё комбинатининг коллективи партия ташкилоти раҳбарлигида КПСС XXII съезди тарихий қарорларини амалга ошириш. 1962 йил давлат плани ва олинган социалистик мажбуриятларини бажариш учун муваффақиятли курашмоқда.

Комбинатда ярим йиллик планда белгиланганидан ташқари бир неча ўн минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилди: Корхонада жуда кўп электр қуввати тежалди, меҳнат унумдорлиги ошди. Комбинат коллективи Воскресенск кимёгарларининг қишлоқ хўжалиги учун бу йили пландан ташқари саноат маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан бошлаган қимматли ташаббусларига қўшилиб, илгари олинган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар.

Комбинатнинг ҳар бир цех ва бўлимларида коммунистик меҳнат зарбдорлари, деган шарафли номни олиш учун кураш кенг қулоч ёйган. Меҳнатда ўрнак кўрсатаётган бригада, смена, бўлим ва цехларнинг айримлари бу шарафли номга эга бўлдилар.

Область партия комитетининг бюроси комбинат партия комитетининг корхонада социалистик мусобақага раҳбарлик тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиб комбинатда социалистик мусобақа асосида цех партия ва касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқаришнинг техника даражасини янада ошириш, технология процессларини механизациялаш, ишчиларнинг умумтаълим ва техник билим савияларини ошириш йўлида қилган ишини таъкидлади.

Шу билан бирга область партия комитети бюроси комбинат партия комитети томонидан йўл қўйилиб келинаётган айрим камчиликларни ҳам кўрсатиб берди. Комбинат партия комитети маъмуриятнинг ҳўжалик фаолиятига етарли эътибор бермаяпти. Натижада ички резервлардан тўла фойдаланмаслик туфайли янги техникани жорий қилиш бўйича белгиланган ташкилий-техникавий тадбирлар плани тўла амалга оширилмай, нормал технология режимидан чекиниш ҳоллари рўй бермоқда.

Партком ҳамда завод касаба союз комитети илғорлар тажрибасини оммалаштириш ва умумлаштиришга, касаба союз активининг ўқишига кам эътибор бераяпти.

Область партия комитетининг бюроси комбинат партия комитети зиммасига иш усули ва методини такомиллаштира бориб, етти йилликнинг тўртинчи йилида олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун курашда коллективнинг ижодий активлигини ошириш вазифасини юклади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
2-БЕТ,

ФАН ВА ИЛҒОРЛАР ЮТУҒИ—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА!

Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхознинг ўртоқ К. Хайманбоев бошлиқ бригадаси пахтакорлари зиммаларига янги мажбурият олдилар. Ҳар гектар ердан 23 ўрнига 30 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилинди. Ҳозир бу бригаданинг ҳар туп ғўзасида 15—16 тадан тўқ қўсак бор. Суратда: (чап дан) бригада бошлиғи К. Хайман боев ва колхоз раиси К. Ниёзов ўртоқлар ғўзанинг ҳосилини кўз дан кечирмоқдалар.

М. Шевелев фотоси.

БЕДА УНИ—МОЛЛАР УЧУН ВИТАМИН МАНБАИ

Партия ва ҳукуматимизнинг моллар туёғини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги топшириқларини муваффақиятли бажаришда ем-хашак етиштириш, жумладан оқсил ва витаминларга бой пичан ёки пичан унини тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ун моллар рационида емларнинг ўрнини босади ва чорвачилик маҳсулотлари таннархини камайтиришга имкон беради.

Куз ва қиш даврларида чорва моллари кўпинча каротинга муҳтож бўлади. Каротиндан эса моллар учун жуда зарур бўлган «А» витамини ҳосил бўлади. Бинобарин бу даврларда моллар рационига каротинга бой озуқа киритилиши лозим. Ўзбекистон шароитида қуруқ беда ёки қуруқ беда уни ҳайвонлар учун энг сервитаминли озуқа ҳисобланади.

Пичан таркибидаги каротиннинг миқдори пичаннинг қай вақтда ва қандай муддатларда ўриб олинишига, қуритиш усулига боғлиқдир. Пичан ўз вақтида ўриб олинмаганда каротиннинг миқдорига камайиб қолмасдан, шу билан бирга унинг сифати ҳам ниҳоятда пасайиб кетади, чунки тўйимлилиги жиҳатидан энг қимматли ҳисобланган барглар тўкилиб кетади, поялари дағаллашиб, унча фойдали бўлмай қолади.

Маълумки, кўк массани қуритиш жараёнида унинг таркибидаги талайгина каротин моддаси бузилади. Ўрилган пичан пичанзорда узоқ туриб қолса, ёки ўриш даврида ёғингарчилик бўлса, унинг сифати пасаяди. Таркибидаги каротин миқдори ҳам камайиб кетади.

Шунингдек, пичан таркибидаги каротин қуёш нурлари таъсирида ҳам бузилади. Ўрилган кўк масса офтобда қанчалик узоқ ётса каротин шунчалик кўп бузилади. Беданн гуллай бошлаган даврида ўриб олиш керак. Бу даврда унинг таркибида озуқали моддалар ва каротин кўп бўлади. Аммо беданн одатдагича ўрилган беда-поянинг ўзида қуритиш усули жуда қолоқ усулдир. Бу усулда баргларнинг кўпчилиги тўкилиб кетади. Пичан офтобда қовжирайди, унинг таркибида жуда оз, бир килограммида 20 миллиграмдан ошмайдиган каротин қолади.

Юқори сифатли, сервитамин пичан тайёрлаш учун яхши ўғитланган унумдор участкалар тайёрланиши керак ва беда эрталабки пайтларда ўрилиши лозим.

Ўрилган беда тўп-тўп қилиб қуритилиб, сўнгра улар кичик ғарамларга жамланса яхши натижа беради. Бунинг учун ўрилган беда бедапояда кўпи билан 2—3 соат қолдирилиб сўлитилади ва шундан кейин хашкашлар ёрдамида эни 60—80 см ва баландлиги 25—35 см қилиб тўплаб кетилади. Тўпланган беда 1 сутка давомида шу ерда қуритилади. Шундан кейин етарли даражада қуриган (унинг қовжираб кетишига асло йўл қўйиш ярамайди) ва намлик даражаси 33 процентдан 40 процентгача бўлган беда кичик-кичик (ҳар бири 30—50 кг) ғарам қилиб тўпланади. Бундай ғарамларда беда узил-кесил қуритилади ва намлилик даражаси 17 процентдан пасайиб кетмасдан бурун катта ғарамларга уюлади.

Қуруқ бедани ташиш ва ғарамлаш вақтида унинг поялари синдирмаслик ва баргларни тўкмаслик учун эҳтиёт бўлиш керак. Хўжаликда пичанни пресслайдиган механизмлар мавжуд бўлса, тамоман қуруқ ҳолдаги бедани албатта пресслаш ва қуруқ ҳамда қоронғи бинода сақлаш тавсия этилади. Яхши пресслланган қуруқ беда анча яхши сақланади ва озиқали моддаларини кўп йўқотмайди.

Суғориладиган деҳқончиликни механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-текшириш институтида бедани хашак учун ўриш ва йиғиб олишнинг янги технологияси ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилмоқда. Бу технология ўрим-йиғим ишининг ҳаммасини (ўришдан то ғарамлаш ёки пресслашгача) бир кунда бажариш имконини беради. Бу технология ўрилган хўл беданинг таркибидаги сувни тезроқ йўқотишга асослангандир. Бу усул кўк беда пояларини ўриш вақтида ёки ўриб бўлингандан кейин дарҳол эзиш йўли билан амалга оширилади. Эзилган кўк беда тез қурийди. Натижада унинг таркибидаги озиқали моддалар ва каротин кўпроқ сақланиб қолади.

Ҳозирги вақтда ўрилган кўкбедани юқори температурали пневматик машиналарда қуритиш сервитамин пичан уни олишнинг энг яхши ва энг унумли усули ҳисобланади. Бу машиналар қўлланилганда тайёр пичан унида 85—95 процент каротин сақланиб қолади. Бироқ, бундай машина ҳали кенг тарқалгани йўқ. Сервитаминли пичан тайёрлашнинг энг оддий ва оммавий усули-кўк массани соя жойда қуритишдан иборатдир.

1960 йил ёзда чорвачилик институтининг «Красний водопад» тажриба базасида қуруқ бедадан витаминли ун тайёрлаш юзасидан тажриба ўтказилди. Кўк беда икки марта ўриб олингач учинчи марта гуллаб турган пайтида ўрилди. Беда ўриб бўлиниши биланоқ қалин дарахтлар тагида жойлашган, салқин ва асфальт ётқизилган майдончага ташиб келтирилди. У ерга бедани бир текисда, юпқа қатлам қилиб (тахминан 20—25 мм) ёйиб чиқилади. Кўк беданинг тез ва бир текис қуриши учун уни куннинг биринчи ярмида кўпроқ ва иккинчи ярмида камроқ ағдариб турилди.

Ўша кунларда беда қуритилаётган жойда ҳавонинг суткалик ўртача температураси 25—30 даража атрофида эди. Учинчи куни беда батамом қуриб етилди ва «ДКУ-1,2» машинасида янчилди. Шундай йўл билан тайёрланган пичан унининг 1 килограммида 76,6 миллиграм ёки одатдаги усулда қуритилгандагига нисбатан қариб 4 баравар кўп каротин бор эди.

Бундай пичан унида каротин миқдорининг кўп бўлишига шубҳасиз, беданинг соя жойда қуритилиши ва баргларнинг кам тўкилиши сабаб бўлди.

Ўзбекистон шароитида бедани салқин жойда қуритиш учун дарахтлар соя ташлаб турадиган майдончалардан ташқари бостирмалар, сушилкалар ва шу каби жойлардан фойдаланиш мумкин.

Сервитамин пичан унини қоплларга зич қилиб жойлаб усти ёпиқ, қуруқ ва қоронғу биноларда сақлаш тавсия этилади.

Ҳозирги вақтда республиканинг аралаш озиқалар ишлаб чиқарадиган саноати чорвачилик учун тўла қимматга эга бўлмаган, витаминлар ва бошқа қўшимчалар билан бойитилмаган емлар ишлаб чиқмоқда ва бу емларни тайёрлаш учун кўп миқдорда концентратлар сарфланмоқда.

Агар кўк ўтларни юқори температурада қуритадиган сушилкага эга бўлган совхоз-заводлар ташкил қилинса, аралаш емлар ишлаб чиқариш саноати юқори сифатли, сервитаминли пичан уни билан тўла таъминланган бўларди.

Колхоз ва совхозларнинг ўзида кам қувватли ўт қуритиш агрегатларидан бевосита фойдаланиш асосида сервитаминли пичан уни тайёрлаш кенг қўламда ташкил қилиниши керак. Бундай агрегатларни ишлаб чиқариш эса халқ хўжалик кенгашининг корхоналарига топширилиши лозим.

Республиканинг пахтакор районларида витаминли ем-хашак тайёрлашнинг яна бир резерви—ғўза чеканкаси вақтида, айниқса, кўп бўладиган новда учларини ҳам унутмаслик керак. Ана шу пахтачилик чиқиндисида бедадагига нисбатан икки баравар кўпроқ каротин бор. Яна шу нарса ҳам маълумки, ғўза барглари каротинидан ташқари аскорбин кислота, рибофлавин, тиамин, инозит, никотин кислота, Р витамин сингари витаминлар ва бошқа актив таъсир этувчи моддалар ҳам бор. Чеканка зарурий агротехника тадбирларидан бири бўлиб, уни ўтказиш пайти ғўзада каротин энг кўп тўпланган пайтга тўғри келади. Тахминий ҳисобларга қараганда бир гектар ердаги ғўзадан 400 килограммгача ана шундай чилпиндиларни йиғиб олиш мумкин. Улардан кенг қўламда фойдаланиш чорвачиликда витамин танқислигининг ўрнини тўлдириш имконини беради.

Г. ОСИЧКИН.
ЎзССР Қишлоқ хўжалик министрлиги чорвачилик институтининг илмий ходими.

КАНОП ПОЯСИНИ ЎЗ ВАҚТИДА, НОБУД ҚИЛМАЙ ЙИҒИБ ОЛАЙЛИК

Тошкент областининг лубкор районлари қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини бажариш учун кураша бориб бу йил канопдан мўл ҳосил етиштирдилар. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «Правда» ва «Ўзбекистон» колхозлари совет агробиология фанининг илғор усулларини қўлланиб гектар бошига 200 центнердан ошириб биринчи сортли каноп пояси етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли, Хрушчев номли ва Ленин номли колхозлар ҳам гектаридан 160—180 центнердан ҳосил кўтарадилар. Ана шу колхозларнинг илғор бригадаларида каноп ҳосили гектар бошига 220-250 центнерга етади.

Юқори сифатли маҳсулот олиш учун ҳар бир хўжаликда етиштирилган каноп поясининг ҳаммасини қайта ишлаб кўк лубга айлантириш керак. Яни ўрилган каноп поясини кўк лубга айлантириш аслида янги технология бўлиб, буни қўлланишдан колхозлар ҳам, шунингдек луб заводлари ҳам ютадилар.

Бу технология каноп пояси пўстлоғини шиладиган НП-9 типидаги машиналарда даланиг ўзида қуритмай туриб дарҳол қайта ишлашни кўзда тутади. Бу машиналар ёрдамида поянинг ёғоч қисми майдаланади ва пўстлоғи шилиниб олинади, натижада ҳосил бўлган кўк луб заводларга қуритилган ҳолда топширилади. Шундай усулда топширилган лубнинг бир тоннаси тўрт тонна каноп ўрнига қабул қилинади.

Бундай технологиянинг афзаллиги нимада? Бундай усулда ишланган кўк лубни 2-3 кундан кейиноқ заводларга топшириш мумкин бўлади, ваҳоланки каноп поясини ўриб олингандан кейин қуритиш учун 25-35 кун кетади. Янги технология қўлланилганда далалар кузги шудгор учун 30-35 кун эртароқ бўшайди. Лубни заводларга ташиш учун ишчи кучи ва транспорт воситалари каноп поясини ташишдагига нисбатан 3-4 баравар кам талаб қилинади. Каноп поясини ишлашнинг янги усули қўлланилганда топшириладиган маҳсулот сифатининг яхшиланиши ҳисобига колхоз ва совхозларнинг даромади ошади.

Шунингдек канопни дастлаб қайта ишловчи заводлар ҳам катта имкониятларга эга бўладилар. Кўк луб сақланганда каноп поясига қараганда 3-4 баравар камроқ жойни эгаллайди, бу эса каноп поясини очиқ ҳавода ғарамлаб сақлаш ўрнига усти ёпиқ жойларда сақлаш имконини беради, натижада маҳсулотнинг нобуд бўлиши ва сифатининг пасайиб кетишига деярлик хотима берилади. Лубнинг мавжуд бўлиши заводларда иссиқлик ёрдамида ивитиш усулини қўлланишга, шунингдек мавсумли ишлаш ўрнига йил бўйи ишлашга имкон туғдиради. Кўк лубни қайта ишлаш процессида олинадиган узун толалар миқдори анча ошади. Бир тонна тола ишлаб чиқариш учун сарфланадиган меҳнат 2-3 баравар камаяди.

Бу йил Тошкент областининг лубкорлари 16 минг гектардан кўпроқ ерда етиштирилган каноп поясининг жамини даланинг ўзида дубга айлантириш ва давлатга 58 минг тонна луб сотиш имкониятига эгадирлар. Бунинг маъноси шуки, лубкор хўжаликлар бу йил ўтган йилдагига нисбатан 4 минг тонна кўпроқ луб етиштиришлари керак.

Бу юксак вазифанинг бажарилишига эришиш учун хўжаликларда мавжуд бўлган НП-9 типидаги 530 та машинанинг ҳаммасини тўла ремонтдан чиқариб, ишга тушириш ва ҳар бир машинанинг 110 тоннадан луб ишлаб беришига эришиш зарур. 35-40 кун мобайнида ҳар бир машинада 1700 тонна янги ўрилган каноп пояси қайта ишланиши лозим. Бинобарин, каноп поясини белгиланган муддатда ўриб-йиғиб олиш учун ҳар бир машинада кунига ўрта ҳисобда 11-12,5 тонна канопни қайта ишлашга эришиш зарур. Машинада ишловчилар бригадаси 30-32 кишидан иборат бўлади. Шулардан 8 киши барабанчи, 5-6 киши ўроқчи бўлиб ишлайди. Қолган кишилар пояни ташиш ва дасталаш, лубни машинадан олиш ва ёйиш ишларини бажарадилар. Барабанчилар икки сменада тўрт кишидан бўлиб ишлайдилар. Сменалар ҳар 15-20 минутда алмашиниб туради. Бундай тез-тез алмашиниш меҳнат унумини икки баравар ошириш имконини беради. Ҳар бир барабанчининг қанча луб тайёрлагани алоҳида ҳисобга олинади. Каноп поясини лубга айлантиришни каноп обдон етилган пайтда ўтказиш тавсия этилади. Агар каноп барвақт ўриб олинса маҳсулот сифати пасайиб кетади ва ҳосилнинг кўп қисми нобуд бўлади. Нобудгарчиликка йўл қўймаслик учун машиналарнинг ишлаш режимини тўғри ўрнатиш ва луб ҳамда поя қийқимларини ташлаб юбормаслик керак. Башарти чиқинди билан бирга луб ва каноп пояси қийқимлари ҳам аралашиб чиқа бошласа, барабанларнинг тирқишини каттароқ қилиб қўйиш лозим.

Пиғим-терим суръатларини ошириш ва канопни лубга айлантириш муддатини қисқартиришда «ТМГ» маркали механизациялаштирилган янги машина катта роль ўйнаши керак. Тез юра оладиган бу машина тракторга тиркалган бўлиб, трактор ўқидан ўтказилган қайиш орқали ҳаракатга келади. Бундай механизациялашган машинада «НП-9» маркали машинадагига қараганда уч баравар камроқ одам ишлайди. Янги машина барабанчиларни оғир жисмоний меҳнатдан қутқаради. Бу машина синаб кўрилди ва бундан фойдаланилганда лубнинг нобуд бўлиши минимум даражагача камайиши, олинадиган луб миқдори «НП-9» машинада ишланганидагига нисбатан 12,7 процент ортиши маълум бўлди.

Янги машиналарда ишлаш учун уларнинг тузилишини ва ишлатиш қоидасини тез ўрганиб оладиган механизаторларни танлаш керак. Янги машиналарда ишни икки сменали қилиб ташкил қилиш лозим. «НП-9» маркали машиналар ўрнига янги хил машиналарни кенг жорий қилиш четдан ишчи кучи жалб қилишга яқин вақтлар ичида барҳам бериш ва маҳсулот таннархини анча пасайтириш имконини беради. Бутун ҳосилни ўз вақтида ўриб олиб, кўк лубга айлантириш ва Ватанга мўл-кўл луб топшириш қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ватанпарварлик бурчидир.

Г. ПЕРЕВЕРЗЕВ,
Давлат мукофоти лауреати, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Қуйбишев номли колхознинг ўртоқ Мурод Қулменов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш мақсадида 40 центнерлик хирмон кўтариш учун қизғин қурашмоқдалар. Мавжуд 178 гектар майдоннинг ҳаммасида ғўзалар нормал ривожланиб, мўл ҳосил тугаяпти.

Райондаги Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ М. Ортиқов бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари ҳам 30 центнер учун курашни тобора кучайтирмоқдалар.

П. ТОЖИЕВ,
Қ. БОТИРОВ.

ЯНГИЕР. «Фарҳод» совхозининг биринчи бўлимига қарашли Ш. Алибеков ва Н. Жўраев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг пахтакорлари катта хирмон кўтариш йўлида ўзаро мусобақалашмоқдалар. Бу бригадаларнинг қайси бирида бўлманг ҳосилини кўз-кўз қилиб турган серавж ғўзаларни кўриб беҳад қувонасиз. Ўртоқ Ш. Алибеков бригадасининг деҳқонлари ҳозирги паллада бутун диққат ва эътиборларини 125 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил ундиришга қаратаётирлар. Ғўзани сифатли парвариш қилишда 35 центнер учун курашаётган ўртоқ Н. Жўраев бошлиқ бригада аъзолари ҳам мусобақадошларидан қолишмаётирлар.

Г. ЮСУПОВ,
Ҳ. МИРЗАҚОБИЛОВ.

ОРЖОНИКИДЗЕ. Ўртоқ И. Пўлатов бошчилик қилаётган бригада пахтакорлари Киров номли колхозда илғорликни қўлдан бермаётирлар. Бу ерда ҳозирга қадар 200 гектар майдондаги ғўзаларга беш марта комплекс ишлов берилди. Бригадада чеканка жадал суръатлар билан ўтмоқда. Ўнига 3,5—4 гектар ердаги ғўза сифатли чеканка қилинаётир.

И. МАНСУРОВ.

СОҲИБКОР

Сенинг суҳбатингни қўмсаб соҳибкор,
Кент боғни оралаб бораман мафтун.
Атрофим мевазор, боққанда ҳар бор,
Ватан чиройидан бўламан мамнун.
Бунда гул, ниҳоллар яшнаб беқиёс,
Ўйчан юрагимга бағишлар ором.
Ўзимни унутиб ошиқларга хос,
Қирмиз олмаводан оламан илҳом.
Нозиқ неъматлардан бошини эгиб,
Ноку шафтолилар қилур табассум.
Олхўри барглари бошимга тегиб,
Чаросларнинг нақшига қарайман бир зум.
Ҳаммасида сенинг пешона теринг,
Ҳаммасида ишчан қўлинг намоён.
Азиз фарзандисан улуғвор элнинг,
Шу эл деб қалбингда жўшар тоза қон.
Соғинган чоғимда сени соҳибкор,
Шу боғни оралаб бораман мафтун.
Меҳнат қучоғида яйраб бахтиёр,
Ватан чиройидан бўламан мамнун.

М. ЖАББОРОВ.

МАШИНА ТЕРИМИНИ КЎЗЛАБ

Ўртоқ Ҳамид Эргашев Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхозда 9 йилдан бери бригадирлик қилмоқда. Шу йиллар давомида унинг бригадаси яхши натижаларга эришиб келди. Ўтган йилги ютуқлар ҳам чанки бўлмади — гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» ҳосили қўтарилди. Пахтакорлар етти йилликнинг тўртинчи йилини ҳам қувончли натижалар билан якунлаш иштиёқида шу кеча-кундузда бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилишяпти.

Бригадада, айниқса, пахтаси машиналар билан териб олинадиган майдонларнинг ғўзаси меҳр билан парвариш қилинаяпти. Эгатларга жилдиратиб сув оқизаётган миришкорлар ҳам, машина рулини моҳирона бошқараётган механизаторлар ҳам, бегона ўтнинг илдизини қуритаётган колхозчилар ҳам ҳозирги долзарб паллада экинни машина теримига мос қилиб ўстириш гамини емоқдалар.

— Машина теримига калтабақай, серҳосил ғўзалар жуда мос келади, — дейди бригаданинг моҳир сувчиси Турғунбой ака Умрзоқов, — шуни назарда тутиб мен ва касбдошларим ғўзани ғовлатиб юбормасликка интилаяпмиз. Ҳозир ҳар бир туп ғўзамизда бемалол 7-8 тадан тўқ қўсак санашингиз мумкин. Биз суғоришни тунда ҳам давом эттиряпмиз.

Бригада хўжалик ҳисобида ишлашга кўчган. Бу ерда пахта етиштиришга сарфланадиган харажатларни кескин камайтириш тўғрисида ҳар бир пахтакор қайғиради. Бригада аъзолари давлатга топшириладиган 242 тонна пахтанинг 200 тоннасини қоп-қаноксиз ташишга қарор қилишган. Механизатор ўртоқ Умар Сайдалиев катор ораларини культивация қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Чунки олтин қуз палласида у ўзи парвариш қилган ғўзаларнинг ҳосилини ўз машинаси билан териб олади.

Бригадада ғўзани чеканка қилиш жадал суръатлар билан ўтмоқда. Бу ишда Т. Муҳамова, Х. Абдураззоқова, Т. Тешабоева, ва Х. Сулаймонова сингари ўртоқлар бошқаларга ўрнак кўрсатишяпти.

Х. ИКРОМОВ.

ТУРЛИ МИҚЁСЛАР ҲАҚИДА

Париж университетининг профессори Пьер Шуар мажлисдан кейин бизга бир даста диапозитивларни кўрсатди. Улардан бирида кулранг, бир тусдаги манзарали чўл тасвирланган эди.

— Бу қора-оқ диапозитивми?

— Йўқ, рангли диапозитив, — деб табассум қилиб қўйди олим. — Натурада бўёқлар йўқ эди. Бу ёғини кўринг.

Бўёғида ажойиботлар бошланди. Кулранг қумларда қизғич помидор, жигарранг картошка, қизғич кулупнай, кўк нўхат пайдо бўлибди. Булар ана шу ерда қандай қилиб вужудга келди? Бу саволга бошқа суратлар жавоб берди. Суратларда олимга чўл шароитида помидор, кулупнай ва бошқа экинларни ўстиришга ёрдам берган хилма-хил мосламалар тасвирланган эди.

— Шунга эътибор қилингки, уларнинг ҳаммаси нормал сув миқдори билан етиштирилди, — дейди Пьер Шуар.

Норма деганн нима? Олим ўз тажрибасини ўтказган жойда деҳқонлар ҳар бир метр далага бир кубометр сув сарфлайдилар. Лекин бу ўлкаларда сув жуда қиммат туради. Чунки бу ўлка Саҳрои Кабир деб аталади.

— Бу ҳатто саҳро бўлмаса ҳам аҳамияти йўқ, — дейди қизишиб суҳбатдошимиз, у илгариги мунозараларни эслади шекилли, — Ортиқча сувнинг нима ҳожати бор? Ҳар қандай ортиқча нарса зарар келтиради-ку.

Шуар ўзининг кичик далаларини ўсимликка керакли миқдордаги сув билангина суғоришга қарор қилган. Ҳар бир томчи сувни илдиз системаси шимиб олиши керак. Бунинг учун махсус мослама яратишга тўғри келди.

Қуруқ қум-тупроқ эмас, чиначам қум ва ҳарсанг тошларнинг майда парчалари ўсимлик ўсадиган жойга айланди. Олим таркибида ҳамма зарур озуқа моддаларн бўлган сувни шу ерга бериб турди. Сув бутга айланиб кетмаслиги учун у жўяклар устини пластмасса билан ёпиб қўйди. Вақти-вақти билан насос ишлаб турди ва озуқа эритилган сув ингичка трубалар орқали ўсимликларга етиб борди.

Натижада ҳар бир квадрат метр жойдан 50 килограммгача картошка, помидор, нўхат йиғиб олинди.

— Харажатларчи?

— Харажатларсиз иш битадими! — деб тасдиқлади бизнинг гапимизни суҳбатдошимиз. — Лекин Саҳрои Кабирнинг кўпгина районларига сабзавотни самолетда ташиб келтиришади. Бизнинг етиштирган маҳсулотимиз эса, самолетдан келтирилганидан арзонга тушади. Сўнгра эса, у жойларда сув баъзан ҳар қанча пулдан ҳам қиммат туради. Сўнгра тупроқ остидан сув юборий суғоришнинг бошқа фойдалари ҳам бор — тупроқ қатқалоқ бўлмайди, бегона ўтлар ўсиб чиқмайди.

Олим бизларга ўз иш шароити ҳақида гапириб берди. Бу ҳақда у, докладда гапирмади — илмий форум минбаридан туриб қийинчиликлар ҳақида гапириш яхши эмас. Лекин Пьер Шуарнинг меҳнати шунинг учун айниқса ҳурмата сазоворки, у ўз тажрибаларини саҳрода фақат бир ходим ва саҳрода ажойиб ишлар билан қизиқаётган бир неча деҳқон ёрдамида ўтказмоқда.

Биз меҳмонни Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги ер ва сув ресурсларидан фойдаланишга бағишланиб кўкламда Тошкент шаҳрида ўтказилган конференцияда ўқилган доклад тезиси билан таништиришга журъат қилдик. Бутуниттифоқ гидротехника ва мелиорация илмий-тадқиқот институтининг ходимлари Х. Холин, Г. Шендриков тупроқ остида босим билан «суғориш-озиқлантириш» юзасидан кўп йиллардан бери олиб борилаётган тажрибалари ҳақида гапириб берган эдилар. Бунда сувга ўсимлик чанқовини қондириш билан бирга далаларни ишлаш вазифаси ҳам юклатилган. — тажрибанинг бу жиҳати Пьер Шуар қилаётган ишга ўхшайди. Гидромеханизмлар токлар, мевали дарахтлар, чигит ва маккажўхори экиш ва бу экинларни озиқлантириш ҳамда суғоришга ёрдам бермоқда. Тажриба участкаларида, Херсон яқинидаги совхозда кўп нарса синаб кўрилди. Лекин бу ҳозирча тажриба...

— «Ҳозирча» эмиш! — деб бизнинг гапимизни бўлди Пьер Шуар. — Бутун бир институт, бутун бир совхоз ишлаяпти-ю, сизлар бўлсангиз, «ҳозирча» дейсиз... Мен бўлсам: «Бу катта миқёс!» — деган бўлур эдим.

А. ЕРШОВ,
Е. ЕФИМОВ.
(ЎзТАГ мухбирлари).

СИМПОЗИУМ ИЛМИЙ СЕССИЯСИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ МАЖЛИСИ

9 август кечқурун қурғоқчилик зоналари гидрогеологиясига бағишланган халқаро симпозиум илмий сессиясининг якунловчи мажлиси бўлди.

Симпозиум қатнашчилари бир қанча ахборотларни тингладилар. Александрия университетининг профессори Мустафо Алғабалий (Бирлашган Араб Республикаси) якунловчи доклад қилди.

ЮНЕСКО табиий ва аниқ фанлар департаментининг директори В. А. Конда ҳам олимларнинг халқаро форумига якун ясади.

Симпозиум иштирокчиларини доктор Л. Леопольд (АҚШ), доктор П. Шуар (Франция), доктор С. П. Рейчаудхури (Ҳиндистон) табрикладилар.

Симпозиум ташкилот комитетининг раиси Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ғ. А. Мавлонов якунловчи нутқида ана шу учрашув қатнашчиларига бутун инсоният учун аҳамиятга эга бўлган муҳим проблемаларни ҳал этишга қўшган ҳиссалари учун ташаккур билдирди. Ғ. А. Мавлонов ишонч билдириб айтдики, гидрогеологларнинг Тошкент форуми халқаро алоқаларни ва илмий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Симпозиумнинг якунловчи мажлисида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари А. Ҳайдаров, республика Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари И. В. Бабков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари И. М. Нажесткин ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

ГАП БОШҚА-Ю, ИШ БОШҚА

Кун пешиндан оққан, куннинг ўтли ҳарорати — тапти анча пасайган. Лекин паст-баланд кенг далалар бўм-бўш, ҳеч ким кўринмайди. Пастликдаги пайкалда битта трактор қаққайиб турибди.

Пахтазорларга назар ташлаганиз ғўзадан кўра ўт кўпроқ кўринади. Уруғлай бошлаган шўралар ғўзадан анча баланд ўсиб кетган. Айрим ерлардаги паст бўйли ғўзалар чанқаб учидан гуллаб ётибди.

Тепадаги уйдан бир киши кўринди. Олимжон Ҳайдаров номли бу йигит ўзини сувчиман, ҳозир 7 гектар ерга сув тараб қўйганман деб таништирди.

— Бу нечанчи бригада? — сўрадик.

— Али Галиев бошлиқ 5-бригада шу-да, уни танимайсизми?

— Йўқ, одамлар қани, ҳеч ким кўринмайди-ку.

— Ҳов анови шийпонда дам олишяпти, — деди. Сўнг шийпонга йўл бошлади. Лекин шийпонда ухлаб ётган уч йигитдан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

— Ие, одамлар қани, ҳа, айтганча уйларига кетишган бўлса керак, ҳозир келишиб қолар, — деди у гапни дўлмал қилиб.

Соат бешга яқинлашиб боряпти. Ҳамон далалар жим-жит, қимирлаган жон кўринмайди. Лекин бу маҳал Янгийўл районидаги Энгельс номли колхоз қишлоғидаги хонадонлар, кўчалар гавжум эди. Кимлар ўз эшиклари тагида ҳангомалашиб ўтиришпти, кимлар ўз томорқаларида ғимиллаб юрибди. Колхоз чойхонаси ҳам обод. Самаворчи сўлим қилиб сув сепибди, кроватларга палос солиш билан банд. Афтидан бугун аллақачон иш куни тамом бўлгандай кўринарди.

Даладан қайтиб идорада колхоз раиси Исмоил Байрамов, 5-бригада бошлиғи Али Галиев ўртоқлар билан учрашдик. Раис колхозда шароит оғир эканлигини, 600 гектар қир ерлар насос билан суғорилаётганини, 2 та мотор, бир трансформатор куйганини, 5 кунда бу насослар бор-йўғи 44 соат ишлаганини, 6 кун ув бўлмаганини айтди. Гап охирида: далада ҳар йилгидан кўра кўчатимиз кўп, Ўрта ҳисобда ҳар гектар ерда 79 минг туп кўчат бор, — деб қўшиб қўйди.

Раиснинг бу гапларига ишонмай бўлмайди. Ҳар ҳолда бу ерда шароит енгил эмас. Шунга қарамай ҳар гектар ерда 79 минг туп кўчат бўлишига эришиш катта гап. Аммо мўл ҳосил учун реал замин ҳозирланган бу колхозда айни пайтда иш сира кечириб бўлмайдиган даражада бўшаштириб юборилган.

Агар кундалик сводкаларга қарасангиз, далада ишловчилар сони кундан-кунга камайиб борганини, тракторлар унумсиз ишлаётганини кўрасиз.

— Йўқ, — деди раис эътироз билдириб, — 31 июлдан ишловчилар сони яна кўпаябошлади.

Юзаки қараганда бу гап тўғри. Лекин далага чиққан кишиларнинг қилган меҳнатлари билан таниссангиз улар лоақал ярим кун ҳам ишламаётганликларини яққол кўрасиз. Масалан, раис бир кунда 71 сувчи 34 гектар ерга сув қўйди, деди, ҳақиқатда эса 29 гектар ғўза суғорилган. Раис 10 та чопиқ трактори билан 52 гектар ғўза культивация қилинди деди. Лекин унинг қўлидаги маълумотда 42 гектар ер культивация қилингани кўрсатилган.

Ўртоқ Байрамов ҳозир ўтдан ҳам кўра чеканкани кечиктириш ёмон деди. Лекин у мана шу гапига амал қилмайди. Ғўзани чеканка қилиш бу колхозда ҳаддан ташқари кечиктириб юборилаётир. 728 гектар пахта майдонидаги ғўзадан энди 113 гектари чеканка қилинган.

Колхозда иш бўшаштириб юборилгани 40 гектар ердаги ғўза, айниқса, чанқаб ётганидан, 150 гектардан кўпроқ ердаги ғўза қалин ўт ичида қолганидан, айни кунларда қўсаклаб ётган ғўзалар йўқотилаётганидан яққол кўриниб турибди.

Масалан, Фахри Мамедов, Шомил Кибаров, Али Галиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг талайгина ғўзалари ҳалигача ўтдан тозаланмаган. Ўртоқ Али Галиев бошлиқ бригаданинг тракторчиси Латип Шомилов масъулиятсизлик билан ишлаб, анча ердаги ғўзаларни пайхон қилиб синдириб ташлаган.

Энгельс номли колхозда бу каби кўнгилсиз ҳодисаларни яна санаш мумкин. Аммо колхоз раиси Исмоил Байрамов ва партия ташкилотининг секретари Яҳё Каболаев ўртоқлар афтидан бундай аҳволга кўникиб кетганга ўхшайдилар. Шунинг учун улар бундай бўшашувчиликка, ҳатто айрим тракторчиларнинг кўчатларни нобуд қилиш каби жиноятларини ҳаракатларига қарши кескин курашмаётирлар. Аксинча, ўртоқ Байрамов кам ишни кўпроқ қилиб кўрсатишга, айбини яширишга уринмоқда. Ўртоқ Байрамов, касални яширсангиз, иситмаси ошкор қилади. Буни унутманг.

Б. ХАЛИЛОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

БУГУН—БУТУНИТТИФОҚ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ

ЭПЧИЛЛИК ВА МАҲОРАТ БАЙРАМИ

Суратда: СССР спорт маст ери Абдулла ФАСҲИДДИНОВ.

АБДУЛЛА—ЖАҲОН РЕКОРДЧИСИ

Чкалов номидаги СССР Марказий аэроклубининг жасур ва довюрак парашютчилари Фарғона водийсида шу йил мавсум мусобақасини ўтказдилар. Сиз суратда кўриб турган норғул йигит Абдулла бу ерга тажрибали совет спортчиларидан ўргангани келган эди.

...Мана, парашютчи спортчилар тушган ҳаво лайнери осмонга кўтарилди. Самолет икки марта айланиб, 1500 метр баландликка кўтарилди. Самолет бортида:

— Сакрашга тайёрланинг! — деган команда янгради. Спортчилар парашютларни яна бир бор кўздан кечирдилар. Орадан бир нафас ўтгач, самолетдан 9 қора нуқта ажралиб қолди. Бир неча секунддан сўнг йўл-йўл шойидан тикилган парашют ҳавода қанотларини ёзди. Парашютчилар шамол ва парашютни ўзларига бўйсиндириб, иложи борича белгиланган маррага яқин тушишга ҳаракат қилдилар.

Сакраш тугаллангач судьялар натижани ҳисоблаб, ҳайратда қолдилар. Мамлакатимизнинг энг кучли парашютчилари билан группа бўлиб 1500 метрдан сакрашда қатнашган ДОСААФнинг республика аэроклуби инструктори СССР спорт мастери Абдулла Фасҳиддинов жаҳон рекорди қўйган эди.

Ўзбек спортчисининг эришган бу катта муваффақияти республикамиз спорти учун фахрлидир.

У. ШАРОПОВ.

КОЛХОЗ СПОРТЧИЛАРИ

Колхоз стадиони. Кечки пайт бу ер волейболчилар ва енгил атлетчкачилар билан гавжум бўлиб кетди. Тракторчи Абдуғаффор Абдумажидов, табелчи Мирзашариф Шарипов, механик ёрдамчиси Кодир Иброҳимовлар бугунги меҳнатларидан мамнун — нормани бир ярим-икки баравар қилиб бажаришди. Сут соғувчи Хромина эса дугонаси Земленовани бугунги меҳнат муваффақияти билан табрикламоқда. Бу меҳнатсеварларнинг ҳаммаси спорт ишқибозлари — биринчи разрядли волейболчилар. Ҳозир улар Рига — Таллин — Вильнюс шаҳарларида бўладиган Бутуниттифоқ мусобақаларига тайёрланмоқдалар.

Ҳа демай тренернинг машқни бошлашга чақирган командаси эшитилди. Колхозчи спортчилар тўпни бир-бирларига ошириб, ҳаракатга тушиб кетдилар. Тренер ҳар бир спортчининг ҳаракатини диққат билан кузатиб, камчиликни тўғрилаб турарди.

Сал нарироқда енгил атлетикачилардан С. Хўжаев, Э. Большаков, У. Сатторов, Р. Салтикова ва бошқалар ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози хўжаликнинг ривожи жиҳатидан республикадагина эмас. Иттифоқимизга машҳурдир. Колхоз физкультурачилари спортдаги муваффақиятни ҳам хўжаликдаги шуҳрат даражасига кўтаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Колхозда биринчи марта спортга қадам қўйган С. Ғофуржонова ҳозир биринчи разрядли волейболчи. У Ўзбекистон терма командасига составида Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашиб, республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилмоқда. Колхоз волейболчилари «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг чемпионидир. Команда жамиятнинг биринчи даражали дипломи, команда аъзоларининг ҳар бири эса қўл соати билан тақдирланган.

Бу ерда спортнинг велосипед, волейбол, классик ва эркин кураш, футбол, шаҳмат, енгил атлетика, теннис, штанга турлари бўйича секциялар мунтазам ишлаб турибди. Секция машғулотларига юздан ортиқ колхозчи ёшлар қатнашади.

Қишлоқ спортчилари Бутуниттифоқ физкультурачилар куни байрамига яхши ютуқлар билан келдилар. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида 60 га яқин разрядли спортчи тайёрланди. «Пахтакор» жамияти қишлоқ спортчиларининг VI республика спартакиадасида ҳам катта муваффақиятга эришилди. Колхоз спортчилари республика чемпиони номини олишга муяссар бўлдилар.

Колхоз правлениеси, партия ва комсомол ташкилотларининг актив ёрдами билан қишлоқда физкультурачилар сафи борган сари ўсаётир. Қишлоқ спортчилари ўз маҳоратларини ошириш билан бирга пахта далаларида ва фермаларда унумли меҳнат қилмоқдалар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ

Бугун Бутуниттифоқ физкультурачилар куни — ёшлик, эпчиллик, маҳорат ва кучлилик байрами. Бепоён мамлакатимиздаги сон-саноқсиз спорт майдончалари ва стадионлар, спорт заллари ва Маданият саройлари, сув станциялари неча минглаб маҳоратли физкультурачиларни меҳмондўстлик билан қарши олади.

Шонли физкультурачиларимизнинг бу йилги традицион байрами коммунизм қураётган халқимиз КПССнинг тарихий XXII съезди қарорларини, партиянинг янги Программасида белгилаб берилган буюк режаларни зўр ғайрат билан амалга ошираётган бир вазиятда нишонланаётир. Мамлакатимизда коммунизмнинг моҳташам биносини зўр меҳнат ғайрати ва снёсий кўтаринкилик билан қураётган миллионлаб, меҳнатсеварлар орасида спортчи йигит-қизлар салмоқли ўринни эгаллайдилар. Спорт билан мунтазам шуғулланиб, соғлом ва бақувват, унумли меҳнатга қобил бўлиб ўсаётган физкультурачилар саноат корхоналари, колхоз, совхоз ва давлат муассасаларида асотойил ғайрат билан ишламоқдалар, ўқув юртларида билим асосларини чуқур эгаллаб, ўзларида меҳнат кўникмалари ҳосил қилмоқдалар.

Бизда спорт миллионлаб кишиларнинг кундалик ҳаётига чуқур сингиб бормоқда. У соғлом ва бақувват бўлиб яшаш, унумли меҳнат қилишнинг гарови, совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситаларидан биридир. Шу сабабли ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимизда физкультура ва спортнинг ҳар тарафлама кенг ривожланиши ҳамда оммавий ҳаракатга айланишига доимо катта эътибор бериб келмоқдалар.

Партиянинг янги Программасида коммунизмга ўтиш даврида маънавий бойликни, аҳлоқий покликни ва жисмоний камолотни ўзида гармоник ҳолда мужассамлантирган янги одамни тарбиялаш имкониятлари ўсиб боради, дейилган. Иш ҳафтасининг қисқара бориши натижасида қобилиятни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилади, дам олиш, ўқиш-ўрганиш, спорт билан шуғулланиш учун борган сари бўш вақт кўпаяди.

Областимизнинг спорт ташкилотлари ва жамиятлари КПСС XXII съезди қарорларига амал қилиб, физкультурага меҳнаткашлар оммасини борган сари кенг жалб қилиш, спортчилар маҳоратини ошириш, кишиларни соғлом ўстириш ишларини авж олдирмоқдалар. Физкультурачилар ўз байрамларига жиддий ютуқлар билан келдилар. Ҳозир областда 1100 га яқин қуйи физкультура коллективи бор, улар ўз сафига 125 мингдан ортиқ спортчини бирлаштирган. Фақат 1962 йилнинг биринчи ярмида спорт турлари бўйича 36 та область биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Областнинг терма командалари республика мусобақаларида спортнинг 16 тури бўйича қатнашди. Айрим спорт турлари бўйича областимиз вакиллари мукофотли ўринларни эгалладилар.

Партиямиз тантанали кунларда ҳам камчиликларга тик қараш керак, ютуқларни қайд қилиш билан бирга камчиликларни тезда тугатиш тадбирларини кўриш керак, деб таълим беради.

Физкультура ва спорт ишларини партиямиз талаблари даражасига кўтариш учун ҳали жуда кўп куч-ғайрат сарфлаш, ташаббус кўрсатиш лозим. Областда ҳали кўпгина болалар, ўсмирлар ва қизлар спортга жалб этилмаган. Кўпчилик физкультура коллективларида чинакамига спорт иши олиб борилмайди, ишлаб чиқариш гимнастикаси ҳамма корхоналарда тўла йўлга қўйилмаган. Спорт ташкилотлари ва жамиятлари айрим илғор коллективлар, саноқли маҳоратли спортчилар билан овора бўлиб, физкультура ҳаракатининг чинакам оммавийлиги ва ҳамма жойда юксак маҳорат учун курашдек муҳим вазифани қониқарли бажармаётирлар. Спорт жамиятлари ва ташкилотлари Союзи область ва район советларининг раҳбарлари шуни унутмасликлари керакки, спорт қаерда ҳақиқий оммавий тус олган бўлса, маҳорат ҳам ўша ерда юксак бўлади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети яқинда СССР халқларининг 1963 йилда бўладиган III спартакиадасига тайёргарлик масаласини муҳокама қилдилар ҳамда физкультура ва спорт ишидаги камчиликларни тугатиш йўлларини белгилаб бердилар.

Физкультура ва спортни ривожлантириш — фақат спорт ташкилотларининг иши эмас. Бу, муҳим аҳамиятга эга бўлган умумхалқ ишидир. Коммунистик жамиятнинг ҳар томонлама камолатга етган янги кишисини тарбиялаш юзасидан партиямиз қўяётган вазифани фақат кўпчиликнинг ғайрат ва ташаббуси билангина муваффақиятли ҳал қилиш мумкин. Физкультура ва спорт халқ маорифи органлари, олий ўқув юртлари ва техникумлар, республика халқ хўжалиги кенгаши ва касаба союзлари область совети раҳбарларининг диққат марказида бўлиши зарур.

Бугунги традицион байрамни спортда оммавийлик учун курашга тўсқинлик қилаётган камчиликларни ишчанлик билан тугатиш ва СССР халқларининг III спартакиадасига муносиб тайёргарлик кўриш шиори остида ўтказайлик.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Бугун кундузи Тошкент шаҳрида ва Тошкент областида ҳаво очиқ бўлади. Эрталаб Тошкентда 14—16 даража, областда 12—17 даража иссиқ бўлади. Кундузи ҳарорат Тошкентда 32—34 даражага, областда 30—35 даражага боради.

САЛОМАТЛИК ВА УНУМЛИ МЕҲНАТ ГАРОВИ

Ҳозир Чирчиқнинг Троицк поселкаси жуда ўзгариб кетган. Бу ерда кўпгина янги турар-жой бинолари, болалар тарбия ўчоқлари, даволаш муассасалари қад кўтариб турибди. Қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати қураётган спорт иншоотлари ҳам посёлканинг ҳуснига-ҳусн қўшаётир.

Корхона спортчилари учун иккита волейбол майдончаси ва стадион қурилди, иккита катта қишлоқ спорт зали ҳам физкультурачилар хизматида. Корхонада спорт ишларига физкультура ветерани А. Ф. Клейменов раҳбарлик қилади. 400 спортчини ўзига бирлаштирган 9 та секция мунтазам ишлаб турибди. Хотин-қизлардан иборат 6 та волейболчилар командаси ўз маҳоратини тинмай оширмоқда. Ана шу командалардан ташкил топган терма коллектив шаҳар чемпиони номини олишга муваффақ бўлди.

Саноат корхоналари ва ўқув юртларининг VII шаҳар спартакиадасида корхона спортчилари биринчи ўринни эгалладилар. Бу ёш спорт коллективи учун катта шарафдир.

Корхона маъмурияти ва жамоат ташкилотлари комбинатда физкультурачилар ҳаракатининг оммавий тус олиши учун зарур тадбирларни кўрмоқдалар.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

Сиз суратда кўриб турган бу абжир йигитлар Бутуниттифоқ физкультурачилар куни арафасида ажойиб ютуқни қўлга киритдилар. Улар Ургенчда ўтказилган мусобақада Тошкент области спорт шарафи учун курашиб, ёшлар ўртасида команда ҳисоби да иккинчи ўринни эгалладилар.

В. Сваричевский фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Оммавийлик ва юксак маҳорат учун

Бу йил Бутуниттифоқ физкультурачилар куни мамлакатимиз меҳнаткашлари коммунизм қуриш программасини зўр ғайрат билан амалга ошириб, ажойиб ютуқларни қўлга киритаётган кунларга тўғри келди.

Областимиздаги саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг коллективлари ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб, фидокорона меҳнатлари билан эртанги кун — коммунизмни яқинлаштирмоқдалар. Кўпгина спортчиларимиз меҳнат фронтида жавлон уриб, янги зафарларни қўлга киритаётирлар. «Ташавтомаш» заводининг инженер-технологи, СССР спорт мастери Марс Хайбуллин, «Пискент» совхози илғор пиллачилар бригадасининг бошлиғи, кураш бўйича республика чемпиони Нуриддин Маликов, «Ташсельмаш» заводининг токари, СССР спорт мастери Юрий Зеленин, Оҳангаронгдаги 9-шахтанинг мастер ёрдамчиси, биринчи разрядли волейболчи Балабан ва бошқа ишлаб чиқариш илғорлари шулар жумласидандир. Спорт билан мунтазам шуғулланиб, соғлом ва бақувват бўлиб ўсаётган, меҳнатда ҳам илғорликни қўлдан бермаётган бундай зарбдорларни гулистонга айланаётган Мирзачўлда, кон ва қурувчилар шаҳри Оҳангаронда, кимёгарлар ва машинасозлар манзили Чирчиқда, металлурглар макони Бекободда ҳам учратиш мумкин.

Партия ва ҳукуматимиз мамлакатда физкультура ва спортни ривожлантириш, кишиларимизни жисмоний чиниққан ҳамда соғлом қилиб тарбиялаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Биз, спортчилар бу ғамхўрликни ҳар нафас ҳис қилиб турибмиз.

КПСС янги Программасида бундай дейилади: **«Партия ёш авлодни болалик чоғидан бошлаб жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашни, уларда жисмоний ва маънавий кучларни гармоник тарзда ривожлантиришни таъминлашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди».** Коммунизмда физкультура ва спорт кишилар ҳаётига мустаҳкам киради. Спорт фақат ўқувчилар ва студентлар, ёш ишчи ва хизматчиларнинг севимли машғулоти бўлиб қолмай, барча меҳнаткашларнинг табиий эҳтиёжига айланиши керак.

Спорт тўғрисида қилинаётган катта ғамхўрликка жавобан Тошкент области физкультурачилари кўвончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу аввало физкультурачилар сафининг тўхтовсиз ортиб бораётганлигида кўринади. 1959 йилда, яъни КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда физкультура ва спорт ишларига раҳбарлик тўғрисида» деган қарори чиқарилган вақтда область физкультурачиларининг сони 80484 кишини ташкил этарди. Ҳозир эса бу рақам 125500 дан ошиб кетди. Шулар орасида 34869 спортчи хотин-қизлардир. Ҳозир областнинг физкультура коллективлари шу йил охиригача спортчилар сонини 160 минг кишига етказиш юзасидан олган мажбуриятларини тўла бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

Областда физкультурачилар ҳаракатининг ўсиши ёшларни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш алифбеси — ГТО комплекси значкистлари тайёрлаш билан белгиланади. Бу соҳада физкультура ташкилотлари катта тадбирларни амалга оширдилар. Етти йилликнинг уч йили мобайнида областда 59792 ГТО значкистлари тайёрланди. 1959 йилдан ҳозирги вақтгача 20788 разрядли спортчилар етишди. Шулардан 230 спортчи биринчи разрядга эгадир.

Физкультура ва спортни ривожлантиришда асосий иш маркази қуйи физкультура коллективлари ҳисобланади. Бизда ишни яхши йўлга қўйган илғор коллективлар анчагина. Чирчиқ электрокимё комбинати, Бекобод металлургия заводи, Олмалиқдаги Олтинтопган комбинати ва бошқа жойлардаги қуйи коллективлар шулар жумласидандир. Сўнгги йилларда қуйи коллективларда ишнинг яхшиланиши туфайли Тошкент области спортчилари Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларида тез-тез қатнашиб мукофотли ўринларни эгалламоқдалар. Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашиб эришаётган ютуқларимиз ҳам ёмон эмас.

«Политотдел» колхози футболчилари «Б» классида Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашмоқдалар. Бу колхоз футболчилар коллективи Совет Иттифоқида мастерлар командаси орасида мамлакат биринчилигида қатнашаётган ягона командадир. Областнинг мактаб ўқувчилари ўқувчиларнинг XVI республика спартакиадасида иккинчи ўринни эгалладилар.

Спортчиларимиз ўз байрамларини разрядчилар, значкистлар, спорт бўйича жамоатчи судьялар ва инструкторлар тайёрлаш юзасидан олган мажбуриятларини муваффақиятли бажариш билан қарши олдилар. 1962 йилнинг биринчи ярмида 16 мингдан ортиқ БГТО ва ГТО значкистлари, 5240 разрядли спортчилар, 1400 дан ортиқ жамоатчи инструктор ва судьялар тайёрланди.

Юқорида келтирилган бу муваффақиятлар тренерлар, шаҳар ва районлардаги жисмоний тарбия ўқитувчилари, спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи район, шаҳар Советлари ва кўнгилли спорт жамиятлари ижодий ишининг самарасидир.

Қишлоқда оммавий физкультура ҳаракатини жонлантиришда Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг шу йил март ойида «Қишлоқ районларида физкультура ва спортга раҳбарлик тўғрисида» деб чиқарган қарори катта аҳамиятга эга бўлди. Ана шу қарорни бажарабориб, кўпгина физкультура коллективлари қисқа вақт ичида ўз ишларини қайта қурдилар.

Юқорида келтирилган ютуқлар билан бир қаторда ҳали ишимизда анчагина камчиликлар бор. Областда мусобақалар жуда камданкам ўтказиладиган, значкистлар ва разрядли спортчилар тайёрланмайдиган коллективлар ҳали ҳам бор. Спортга хотин-қизларни жалб этиш соҳасидаги ишимиз ҳам қониқарли эмас. Ҳамма жойда оммавий физкультура ҳаракатини авж олдириб юксак маҳоратли спортчилар сонини кўпайтириш юзасидан кўп ишларни қилиш зарур.

Областимиз спортчилари совет физкультурачиларининг бугунги традицион байрамини мавжуд камчиликларни ишчанлик билан тугатиш, ютуқларни кўпайтириш, Ўзбекистон спортчиларининг XII спартакиадаси ва СССР халқларининг III спартакиадасига пухта тайёргарлик кўриш шиори остида ўтказадилар

Н. ЖАЛОЛОВ,
Спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Тошкент область Советининг раиси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 11 АВГУСТ, 1962 ЙИЛ.

Халқаро аҳвол

АРГЕНТИНА ВИЛОЯТИДА ИСЁН

НЬЮ-ЙОРК, 8 август. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Буэнос-Айресдан хабар беради: Генерал-лейтенант Федерико Торансо Монтеро ўзини Аргентина армиясининг бош қўмондони деб эълон қилди, Жужуй вилоятида (Шимолий Аргентина) «қўзғолончилар штаб-квартираси»ни тузди ва армия бўйича давлат секретари генерал Хуан Баутиста Лосанинг истеъфо беришини талаб қилди.

Монтеро исён бошлаганлиги тўғрисидаги хабар Буэнос-Айресга етиб келиши билан, деб ёзади мухбир, генерал Лоса армиянинг юқори мансабда бўлган ва Монтерони қўллаб-қувватлаган бир қанча офицерларини вазифаларидан бўшатди ва исённи бостириш чораларини кўрди.

ТЕРРОРЧИЛАР ЎЛИМ ЖАЗОСИГА ҲУКМ ҚИЛИНДИ

ЛОНДОН, 8 август. (ТАСС). Рейтер агентиги мухбирининг Жакартадан хабар беришича, Жакарта ҳарбий суди шу йил май ойида Индонезия президенти Сукарнонинг ҳаётига суиқасд қилишда қатнашган учта террорчини бугун ўлим жазосига ҳукм қилган.

ГОЛЛАНДИЯДА ШТОРМ

ГААГА, 8 август. (ТАСС). Голландия қирғоғида кучли шторм бўлди. Қаттиқ шамол уйларнинг томларини, антенналарни кўчириб кетди, катта дарахтларни томири билан қўпориб ташлади. Кеча қирғоқ бўйлаб кемалар қатнови тамомила тўхтади. Қурбон бўлганлар бор.

Ёзги мавсумга бу ерга келган минглаб туристлар Голландиядан жўнаб кетмоқдалар. Бу йил ёзда Голландиянинг ҳавоси Ғарбий Европадаги ҳамма мамлакатлардагига қараганда ғоят совуқ бўлди.

«МИНИТМЭН» ПОРТЛАБ КЕТДИ

НЬЮ-ЙОРК, 9 август. (ТАСС). Ассошиэйтед пресс агентлиги мух. бири Канаверал бурунидан хабар беради: «Минитмэн» қитъаларароб баллистик ракетасининг такомиллаштирилган модели бугун ерости вертикал шахтасидан учирилганидан кейин 40 секунд ўтгач, портлаб кетган.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЖАЗОИРГА ЁРДАМИ

ЖАЗОИР, 8 август. (ТАСС). Бугун Жазоир портига «Угледальск» деган совет пароходи келди. У, 6.500 тонна буғдой келтирди. Бу—Совет Иттифоқи Жазоир халқига ёрдам тариқасида бераётган озиқ-овқатларнинг дастлабки қисмидир. Яқин вақт ичида СССРдан Жазоирга озиқ-овқатларнинг янги партияси: буғдой, балиқ консерваси, қанд-шакар, ўсимлик ёғи, қуюқ сут етказиб берилади.

Жазоир портида юкни тоширишга бағишланган тантанали маросим бўлди.

ЯНА КАТТА ЗАБАСТОВКА БОШЛАНДИ

ПАРИЖ, 8 август. (ТАСС). Зарауздаги «Альфа» тикув машиналари заводининг (Испаниянинг Гипускоа вилояти) олти юз ишчиси иш ҳақини кунига 26 писет оширишни талаб этиб, забастовка эълон қилди. Завода локаут эълон қилинди. Маъмурлар қўшинларга завод цехини «номуайян вақтгача» ишғол қилиб туришни буюрдилар.

Яқинда бутун мамлакатни ларзага келтирган жуда катта забастовкалардан кейин бу забастовка Испанияда рўйхатга олинган энг катта забастовкалардан бири деб ҳисобланади. Ҳукумат ўтган ойда Бильбаодаги «Хенераль» эле ктрика» корхонасини беш ҳафта ёпиб қўйган эди. Заводнинг 4 минг ишчиси қамоққа олинган ўз вакилларининг озод этилишини талаб қилди.

ФАШИСТЛАР ЛАГЕРИ ТОР-МОР ҚИЛИНДИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Англия фашистларининг раҳбари Колин Жордан ташкил қилган Глостерширидаги халқаро фашистлар лагери тор-мор қилинди.

Англия маъмурлари Англияга махсус келган Америка фашистларининг «фюрери» Рокуэлл ва чет эллардан келган бошқа фашистларнинг иштироки билан фашистлар йиғинини ўтказишга қарши тадбирлар кўришдан бош тортганлигидан газабланган маҳаллий аҳоли — фермерлар ишни ўз қўлларига олдилар ва кеча кечқурун ўзлари «лагерь» томон йўл олдилар.

Бу гал Гитлер ворислари полиция ҳимоясидан маҳрум этилган эдилар ва қишлоқ аҳолисининг катта группалари лагерга яқинлашганида, уларнинг баҳзилари қўрқанларидан қочиб кетдилар.

Фашистлар фермерларни тўхтатишга ҳаракат қилиб кўрдилар, лекин уларнинг қаршилиги тезда синдирилди. Маҳаллий аҳоли палаткаларни синдириб ташладилар ва лагерь устида бир неча кундан бери ҳилпираб турган свастика тасвири солинган байроқни улоқтириб ташладилар.

Баъзи газеталар бугун Америка фашистларининг «фюрери» Рокуэллни қидириб топиш учун самарали тадбирлар кўрмаётганлиги учун ички ишлар министри Брукни танқид қилмоқдалар.

«Миллионларча кишиларни ҳалоқ қилган фашизм ва ирқчиликка қарши урушдан кейин, — деб ёзади «Дейли геральд» газетаси, — бунга ўхшаш фашистларнинг йиғинлари чидаб бўлмайдиган ифвогарлик эканлигини Брук ҳали англаб олгани йўқ».

«Дейли уоркер» газетаси ёзадики, Англия ҳукумати фашистларга қарши чораларни ҳамма вақт ҳам ҳатар-истамас қабул қилади, лекин антифашистларга қарши тез ҳаракат қилади.

«Брук, лорд Хьюм ва Макмиллан учун, — деб ёзади газета, — фашизм эмас, балки социализм ва ишчилар ҳаракатининг тараққиёти, шунингдек мустамлакаларни озод қилиш учун ҳаракат чинакам душмандир».

Редактор ўринбосари
И. СУЛАЙМОНОВ.

ТЕЛЕВИЗОР

11 АВГУСТ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Телевизион янгиликлар, 18.20 — Гунча телевизион журнали.

Рус тилида: 19.10 — Телевизион янгиликлар, 19.25 — Бутуниттифоқ физкультурачилар куни, 20.05 — Советский спорт киножурнали, 20.15 — Шўх қайрилишлар номли бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 21.50 — Далада ишлаётганлар учун (концерт).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Курувчилар куни (Эсдалик кунлар календари), 18.15 — Концерт (қурувчилар учун).

ТЕАТР

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино). — 11/VIII да **Фурқат**,
МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 11/VIII да **Равшан ва Зулхумор**, 12/VIII да **Тошболта ошиқ**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Мишка, Серёга ва мен — «ВАТАН» (эрталаб соат 9 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Рақс оламида — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Шу тунда — «ИСКРА» (3-залда, кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кеч соат 5 гача).

Етти ака-укага етти келин — «ИСКРА» (1 ва 2-залда), «ВАТАН», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Даҳшатли тунлар — НАВОИЙ номли (кеч соат 5 дан).

ЁЗГИ БИНОДА

(Сеанслар кеч соат 9 ва 10.40 минутда).

Икки ҳаёт (1 ва 2-серия) — ТЕЛЪМАН номли.

Мишка, Серёга ва мен — ПУШКИН номли.

Рақс оламида — «УДАРНИК».

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА
(ёзги театр)
11, 12, 13 августда

катта эстрада КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эргашхон Мирмаҳмудова, Убайдулла Мадраҳимов, Муҳаммаджон Мирзаев**, солистлардан **Фахриддин Умаров, Зокир Султонов, Муҳаббат Мусаева, Дилбар Абдуллаева, Н. Гайер, Собир Маҳкамов**, ўзбек чолғу асбоблари ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
(«Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес:
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари—25885. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари —33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.
Р. 02256. Нашр. Г. 1654.